Қува - озода шаҳар

«Фарғона водийси: қишлоқда экология маданиятини ривожлантиришнинг муаммо ва тажрибалари» мавзуида Қува шаҳрида халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Конференцияни «Экосан» халқаро жамғармасининг президенти Юсуф Шодиметов олиб борди. Халқаро ҳамиятга молик бу анжуманнинг айнан Қува шаҳрида ўтказилиши бежиз эмас. Бу шаҳарда экологик ҳолат ва инсон саломатлигини яхшилаш борасида намунали тажриба тўпланган. Шаҳарда кам харажат қилиниб, юқори даражада ободончиликка эришилган. Турли касалликлар ва болалар ўлими камайиб бораяпти. Айниқса, кўча ва хиёбонларнинг озодалиги, катта йўл ёқаларига чиройли гуллар экилиб, яшнаб турганлиги диққатга сазовор. Яқинда эса шаҳарда «Она ва болалар» санаторий профилакторийси ишга туширилади.

Конференция иштирокчилари Қува туманида бу борада амалга оширилаётган ютуқларни кенг тарғиб қилиш лозимлигини таъкидлашди.

Алишер ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Германиядан тикув машиналари келтирилади

Қамаши туманидаги Геролинг «ПФАФФ-Зингер» фирмаси билан ҳамкорликда «Бизинтруд-Қамаши» масъулияти чекланган жамият барпо этилмоқда.

Низом жамғармаси 59 миллион сўмдан иборат бўлган бу корхонага Қамаши тумани меҳнат, бандлик ва аҳолини иш билан таъминлаш бўлими 33,8 миллион, вилоят «Бизнес-фонд» бошқармаси 11,8 миллион, Германиянинг «Троф-Зингер» фирмаси 10 миллион, Қамаши туманлараро савдо очиқ ҳиссадорлик жамияти 3,6 милион сўм улуш қўшдилар.

Германиялик ҳамкорлар хорижий тикув машиналарини олиб келиш ва ўрнатиш, хотин-қизларни тикувчилик касбига ўқитиш ишларини ўз зиммаларига олдилар.

Корхона ишга тушгандан сўнг юздан ортиқ янги иш ўринлари яратилади.

Илҳом МУСО ўғли

Ўтмишнинг уйғоқ кўзи

Бухородаги қадимий Арк қалъаси устидан шаҳарнинг ғарбий томонига диққат билан назар солсангиз, тўрт чақирим олисда Ўрта Осиёдаги энг йирик ҳамда нодир тарихий-меъморий ёдгорликлардан бири Чор бакр мажмуи кўзга ташланади. Қадимий Сумитан қишлоғида жойлашган бу обидани шўролар даврида «Марҳумлар шаҳарчаси» ҳам деб аташганди.

Мажмуа номи Чор бакр деб аталса-да, бу зиёратгоҳ Жўйбор шайхларининг биринчи аждодлари, X асрда Ислом дини билимдони ҳисобланмиш икки бакр — Абу Бакр Саид ҳамда унинг ўғли Абу Бакр Аҳмад дафн этилган муқаддас жой сифатида машҳурдир. Ушбу мажмуани асл ҳолига қайтариш мақсадида бугун катта ишлар олиб бориляпти. Таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларида ёдгорликларни таъмирлаш махсус илмий-ишлаб чиқариш устахонаси, «Бухорогазсаноатқурилиш», «Бухороавтойўлқурилиш», «Ўзбекгазсаноатқурилиш», «Ўзэлектромонтаж» ҳиссадорлик жамиятлари, ўнга яқин автохўжалик жамоалари, юзлаб қўли гул усталар қатнашмоқдалар. Ҳа, тез орада обида яна қадимий фусункор ҳуснига эга бўлади.

Баҳрон ДАВРОНОВ

«Маънавият ва аёл»

Хоразм вилояти ҳокимлиги ва Хоразм Маъмун академияси ҳамкорлигида «Аёллар йили»га бағишлаб ўтказилган илмий-амалий анжуман шундай аталди.

Маънавият ва маърифат соҳаси ходимлари, академия олимлари, олий ўқув юртлари, хотин-қизлар қўмитаси раислари ва бошқалар Юртбошимиз ташаббуси билан мамлакатимизда ўтказилаётган «Аёллар йили»га бағишланган дастурларда аёллар маънавияти билан боғлиқ масалаларга қаратилиши лозим бўлган эътибор, бу борада бизда жамланган асрий тажрибалар ҳақда муфассал фикр юритишди.

Шунингдек, сўнгги пайтларда айрим «билағонлар» томонидан хотин-қизларимиз онгини диний экстремистик ғоялар билан чалғитишга уриниш содир бўлгани ва бундай нохуш ҳолатларга қарши илмий-ҳаётий асосланган бой маънавиятни мезон қилиб олиш зарурлиги қайд қилинди.

Ҳасан РЎЗИМБОЕВ

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси | 1999 йил 15 май, шанба ● № 57 (24.452). | Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Яйловга файз кирди

Самарқандлик яйлов дарғалари жорий йилнинг илк ғалабасини қўлга киритдилар. Қўзилатиш мавсуми муваффақиятли ўтказилди. Чўпон-чўлиқлар вилоят яйловларида боқилаётган 129 минг 623 бош совлиқдан 135 минг 643 бош соғлом қўзи олдилар.

Эришилган ғалабага Нуробод, Қўшработ туманлари қорақўлчилари муносиб ҳисса қўшдилар. И. Бобоқулов, Н. Тўхтаев, О. Тилавов, Қ. Тошев ва А. Норбоев каби машҳур чўпонлар ҳар юз бош совлиққа биттадан қўзини ўстиришга қолдирдилар.

Айни пайтда қорақўлчилар етиштирилган 34 минг донадан зиёдроқ ранг-баранг қорақўл териларига дастлабки ишлов бериш ва сотишга тайёрлаш жараёнини ниҳоясига етказмоқдалар.

Мамасоли ЛУТФУЛЛАЕВ

Овул кишилари мамнун

Қорақалпоғистон Республикаси шаҳар ва туманларида, айниқса, овулларда хонадонларни газлаштириш ишлари давом эттирилмоқда. 28 чақирим масофага қувурлар ётқизилиб, Шуманай тумани маркази газлаштирилди. Айни пайтда шу ернинг ўзида газни автоматик равишда тақсимловчи станция қурилиши битказилиб, фойдаланишга топширилди. Ҳаммаси бўлиб 80 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. Бунда «Ургончтрансгаз» муҳандис-техниклари, қурувчиларининг ҳиссаси алоҳида. Улар қурилиш ишларини режадаги 8 ой муддатда эмас, жуда қисқа вақтда — 2 ойда ниҳоясига етказишди. Туманда бугун 82 фоиз аҳоли «зангори олов»дан фойдаланаяпти. 2003 йилга келиб туман аҳли хонадонлари тўла-тўкис газлаштирилади.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Республикамизда ёшларга таълим-тарбия беришнинг давлат сиёсати даражасига кўтарилиши халқимиз, юртимиз фаровонлигини ривожлантиришга қаратилган дадил қадамлардан бири бўлди.

Юртимизда иқтидорли ёшларнинг хорижий мамлакатларда таълим олишини қўллаб-қувватлаш мақсадида «Умид» жамғармаси ташкил қилингани ва жамғарманинг илк танловида 157 нафар йигит-қиз Президент грантларини қўлга киритган эди. Улар АҚШ, Германия, Франция, Буюк Британия, Япония каби ривожланган мамлакатларнинг олий ўқув юртларига таълим олиш учун жўнатилди.

Эътиборли томони шундаки, танловда қатнашаётганлар сони йилдан-йилга ошиб бораётир. Хусусан, бу йилги танловда икки мингдан ортиқ талабгор иштирок этди.

«Умид» жамғармаси йўлланмаси билан АҚШ университетларида таҳсил олаётган бир гуруҳ талабалар ёзги таътилни ўтказиш учун ўз Она Ватанига қайтиб келди.

Рўзмат ЖУМАНИЁЗОВ
(ЎзА) олган сурат

«Бойқўрғон» — ўзбекнинг шахмати

Диққат: янгилик!

— Мен бир ўйин ўйлаб топувдим, — деди эшикдан тортинибгина ичкарига кирган одам. Ва худди шундай тортинчоқлик билан, — шуни газетага ёзса бўлармикан? — дея қўлидаги ғилофга ишора қилади. Қизғин иш жараёни кетаётгани боис озгина куттириб қўйишга мажбур бўлдик. Унинг соддалик билан «таклиф»имизга розилик билдиргани кўнглимизга илиқлик югуртирди. Энди бир мунча хижолатлик билан бошқа ишларни якунлаб уни эшитишга шошиламиз.

— «Бойқўрғон» ўйини шахмат тахтасига ўхшаш тахта устида ўйналади. Бу болалар учун ҳам жуда яхши, фикрлашга ёрдам беради. Энг асосийси, у ўзимизнинг миллий ўйин бўлади. Ўйиндаги қўрғон ва уни ҳимоя қилиш жараёни ҳам миллий қаҳрамонлик, ватанпарварлик руҳига мос.

Шундай тавсифдан сўнг ўзини Дайнов Бойсунов дея таништирган меҳмон тахтачани ва бирдан тўққизгача бўлган рақамлардан иборат фигураларни стол устига қўйганча ўйин қоидаларини тушунтира кетди. Биз ўзимизни сеҳрли оламга шўнғиб кетаётгандек ҳис қила бошлаймиз. Ростданам қизиқ. Хаёлимизга ўз-ўзидан «ўзбек шахмати» деган ибора келади. Кўпкари, жаҳонга бўй чўзган ўзбек кураши ва ... ўзбек шахмати. Юртга, ўзбек спортига омад келгани шу бўлса керак.

— Айтганингиз келсин, — дейди меҳмонимиз ва давом этади, — лекин, агар тўғри қабул қилсаларинг, бошқа бир гапни қўшимча қилмоқчи эдим. Мени қайта руҳлантирган Президентимизнинг спортга катта эътибор билан қараётгани бўлди.

Тўғриси, «қайта» деган сўз бизни ажаблантирди. Аммо, кейин билсак...

— Биласизми, — дея чуқур хўрсиниб олади, ихтирочи қаҳрамонимиз гапни узоқдан бошламоқчилигига ишора қилмоқчидай, — аслида бу ўйиннинг тарихи жуда узоқ. Катта боболаримизнинг доимий шерикларим билан энди янги ўйин ҳақида бош қотира бошладик. Секин-аста мана шу ихтиромиз юзага келди. Ойлар давомида уни мукаммаллаштирдик. Ниҳоят, бу ўйинни унга-эшитиб унинг қайсарлиги тутди. Улар нима деса қилаверамизми, яхшиси қўй, бошқа ишингни қил, насиб этган бўлса яхши кунлар келар, деб туриб олди. Бу 1982-87 йиллар эди. Шу-шу ҳеч жойга бормай қўйдим. Қишлоқда, тоғлар орасида ўзимиз ўйнаб юравердик. Мустақилликка эришганимиздан

деҳқоноободликларнинг янгилиги, — дейди Шавкат ака товушини бир поғона кўтариб. — Жуда хурсанд бўлдик. Ҳақиқий ўзбекнинг иши. Бу ўйинни имкон қадар тезроқ оммалаштириш керак. Сизлар ҳам бунга ёрдам қилсаларинг нур устига нур бўларди. Биз ҳозир барча имкониятлардан фойдаланишга ҳаракат қиляпмиз. Ҳозиргина ҳужжатларни тайёрладик, тез кунлар ичида Қашқадарёда шахмат бўйича республика биринчилиги ўтказилади. Ўша ерда «Бойқўрғон»нинг ҳам кўргазмали ўйинларини ўтказамиз. Режаларимиз шу даражадаки, тарғибот ишларини тезлаштириб, насиб этса келгуси йили ана шу «Бойқўрғон»нинг ўзи бўйича ҳам республика биринчилигини ташкиллаштирамиз. Айтганча, агар мақола ёзмоқчи бўлсангиз Қашқадарё вилояти спорт қўмитаси раиси Ботир Эгамов билан қашқадарёлик шахмат фидойиси Раимжон Ражабовнинг бу борадаги ҳиссасини ҳам, албатта таъкидлаб ўтинг. Шундай жонкуярлару Дайнов Бойсуновдай ихтирочиларимиздан ҳаммамиз фахрланишимиз керак.

Бу гаплардан кайфиятим тоғдек кўтарилиб қўлимга қалам тутганимни ҳам билмай қолдим.

Нурбек ТОШНИЁЗ,
«Ўзбекистон овози» мухбири



орасида Қобилбек деган бир бек ўтган экан. У пайғамбар ёшига етиб мулкини болаларига бўлиб бермоқчи бўлганида икки ўғил энг катта мулкка — туз конига талашиб қолишибди. Бек улар орасига ҳар хил шартлар қўйиб кўрса ҳам натижа чиқмабди. Охири Самарқанддан зўр донишмандни олиб келиб, унга шундай бир рақамли ўйин ўйлаб топишни ва фарзандларини шу орқали синаб кўришини илтимос қилибди. Аммо, кон бошида шу синов ўтаётган пайтда тоғ кўчиб, ҳаммаси унинг остида қолиб кетибди. Ўз-ўзидан ўша донишманд ўйлаб топган ўйин ҳам изсиз йўқолган. Отамдан ана шу ҳақда эшитганимдан бошлаб менинг хаёлимни ўша ўйин банд қилди. Олдиндан шахматга қизиқардим. Бир-иккита бунга кўрсатиб, марказий идораларгача ҳам етиб келдик. Аммо, у пайтлари Москванинг рухсатисиз бир иш қилиб бўлмайдиган замонлар эди. «Юқори»га эса ўйинимиз маъқул бўлса ҳам «Бойқўрғон» деган соф ўзбекча ном ёқмади. Аллақандай «крепост»мией, бир бало номларни тавсия қилишди. Яна отамнинг олдига қайтиб бордим. Бу гапни кейин ҳам ҳукуматимизнинг қиладиган юмушлари кўп бўлгани учун дардимни айтиб безовта қилгим келмади. Рости гап, тўғри қилган эканман, мана, ўзи пайти келди. Юртимизнинг куч-қудратини мустаҳкамлаб олдик. Спорт билан дунёга танила бошладик. Курашимиз жаҳонга чиқди. Шундан руҳланиб яна тахтамни қўлга олдим.

У энди сал ғурур билан стол устидаги меҳнатига ишора қилади. Ҳақиқатан ҳам тез кунлар ичида иши юришиб кетибди. Қашқадарё вилоятидаги, республикадаги масъул идоралар уни яхши қабул қилиб, қўллаб-қувватлашаётган экан. Меҳмонни кузатиб қўйгач, Республика давлат спорт қўмитасига, раис муовини Шавкат Тўлагановга шошапиша сим қоқдик.

— Э-э, «Бойқўрғон»ми,

Ё, алҳазар!

Одам ўз ҳақини талаб қилса айб эмас. Меҳнатинг сингандан кейин ҳақингни сўрайсанда. Қийналиб қолган кишига кўмаклашиш эса оддий инсонийлик саналади. Лекин ҳамма нарсанинг чек-чегараси бўлганидек, одамгарчиликнинг ҳам меъёри бор. Кимгадир бирикки, борингки, ундан кўпроқ ҳам мурувват қиласан. Агар у ўлигини ташлаб олса, ҳар қандай одам ҳам "оғайни, инсоф ҳам керак-да", дейди охири.

Яқинда Қозоғистонда рус тилида чоп этиладиган "Экспресс К" номли газетанинг 4 май сони қўлимга тушиб қолди. Унда босилган "ГАЗавать по — узбекски" деган мақолани ўқисангиз "во ажабо!" деб юборишингиз тайин.

Нима эмиш, Ўзбекистон собиқ Иттифоқ даврида шаклланган монополистик вазиятдан фойдаланиб, Жанубий Қозоғистонга зангори ёнилғи учун ўз баҳосини "диктовка" қилаётганмиш, истаган пайтида қувурларни беркитиб қўяётганмиш...

Мақолада ёзилишича, 29 мартда ўзбекистонлик газчилар қувурларни беркитиб қўйиб, нарх-навони ҳам оширишибди. Бунинг устига Ўзбекистон томони ҳеч қандай келишувсиз тўловларнинг муддати ўтган ҳар бир куни учун 0,6 фоиз жарима солганмиш. "Бусиз ҳам бизнинг газ бўйича Тошкентдан қарзимиз бугунги кунда 1,8 млн. долларни ташкил этади..." дейилади мақолада.

Қизиқ, қарзини тан олиб турибди. Муддаоси нима экан, деган хаёлда мақолани ўқишда давом этасиз. Мақолада кўрсатилишича, яқинда қозоғистонлик акимлар ва газ бошлиқлари газ нархини тушириш бўйича музокара олиб бориш учун Тошкентга келишган экан. Бироқ Ўзбекистон томонининг ён босгани атиги шундан иборат бўлибдики, нарх оширилмасдан олдинги ҳолида — (38,5 доллар минг кубометр учун) қолдирилибди. 1 июнгача жарима санкциялари олиб ташланадиган бўлибди.

Масалага ойдинлик киритиш учун "Ўзтрансгаз" акциядорлик компанияси раҳбарларига мурожаат қилдик. Маълум бўлишича, 1998 йилдан бери Ўзбекистон газини Жанубий Қозоғистонга узатиш ҳукуматлараро эмас, балки "Ўзтрансгаз" акциядорлик компанияси ва Қозоғистоннинг жанубий вилоятлари газ идоралари билан тўғридан-тўғри шартнома асосида амалга ошириб келинмоқда.

1999 йилнинг 31 мартида илгари тузилган шартномалар муддати тугаган. Шу боис "Алматыгоргаз", "Жамбулгаз", "Онтустикгаз" (Жанубий Қозоғистон вилояти) раҳбарларига бир неча бор газини шошилинчнома юборилган, кўнғироқ қилинган. Бироқ улардан жавоб бўлмаган. Шу орада қўшничилик ҳурмати юзасидан 17 апрелгача газ шартномасиз бўлса-да, юбориб турилган. Ниҳоят, 17 — 22 апрель кунлари газ юбориш тўхтатилган. Шартнома йўқлиги — масаланинг бир томони, боз устига Қозоғистон газ тўловларини амалга оширмай келган. Мақолада кўрсатилган 1,8 млн. доллар қарз — бу фақат Жанубий Қозоғистон вилоятиники. Ундан ташқари шу йилнинг муддати ўтган қарзи ҳисобидан Алмати 0,8 млн, Жамбул вилояти 0,7 млн. доллар тўлаши лозим.

Қаранг, қарзлар тўланмаса, янги шартнома тузилмаса, бу ҳақда огоҳлантирилганига қарамай истеъмолчидан садо чиқмаса. Нима қилиш керак? Газ тенкинга, қонунсиз берилавермайди-ку!

Шундай экан, бизнинг айбимиз нима ? Шартнома асосида газ, яъни маҳсулот бериб, ҳақини ололмаётганимизми? Ахир, газ Оловиддиннинг сеҳрли чироғи эмаски, ғойибдан пориллаб ёнаверса. Уни излаб топиш, қазиш, қайта ишлаш, қувур тайёрлаш, ётқизиш... Қанча маблағ, ишчи кучи ва техника ... Газ ёнилғи ҳолига келгунича озмунча меҳнат сарфланадими? Газни мазза қилиб ёқсаю пулини тўламаса, харажатни ким қоплайди?

"Ҳисобли дўст айрилмас" деган ҳикматли мақол ўзбекка ҳам, қозоққа ҳам бирдай яқин. Қоласерса, қани, қозоқ оғайниларимизнинг ўзлари айтсин, қайси мамлакатдан 38,5 долларга минг кубометр газ олиш мумкин? Арманистон, Грузия ва Болтиқ бўйи Республикалари 55, Ғарбий Европа мамлакатлари 70 долларгаданзиёд тўлашяпти.

Қарз берган одам қарзини сўраши табиий ҳол. Лекин қарздор одам бўйнидаги қарзини узиш ўрнига ўйин қилса, қитмир гумашталари айюҳаннос солса, буни қандай тушуниш мумкин? Шу ўринда "Али ва Вали" ривояти ёдга тушади. Али қўшнисига қарз берибди. Қарз муддати ўтиб кетса ҳам Валидан садо чиқмабди. Охироқибат ўзи сўраб борибди. Вали бўлса аҳволи танглигини айтиб, ялиниб-ёлворибди. Чорагидан кечишини илтимос қилибди. Али, оққўнгил инсон экан, рози бўлибди. Орадан кунлар ўтиб, у яна сўраб борибди. Вали камбағаллигини, оиласини боқишга ҳам ҳоли қолмаганлигини айтиб, қарзидан яна чорагини кечишини ўтиниб сўрабди. Ўйлаб-ўйлаб Али бунга ҳам рози бўлибди. Кунда қуруқ сафсатадан бошқа нарса эмас.

Менимча, қозоғистонлик ҳамкасбларимиз айбни биздан эмас, балки ўзларидан ахтаришса тўғрироқ бўларди. Қозоғистон — мустақил давлат, унинг ўз бюджети бор. Шундай экан, у ўз халқининг, оддий фуқароларининг, бир сўз билан айтганда, раиятнинг оғирини енгил қилиши, давлат дотация бераяпти.

Кўпқаватли уйларни иситишда газдан фойдаланганлик учун бюджетдан бир йилда 19 миллиард сўм маблағ сарфланмоқда. Бу 150 млн. доллар дегани. Юқоридаги 40 фоиз бунга кирмайди. Хуллас, газ бўйича аҳоли харажатининг 60 фоизини давлат қопламоқда.

Бугина эмас, ҳокимликлар, маҳалла қўмиталари орқали фуқароларни ижтимоий муҳофаза қилиш, аҳоли турмуш шароитини яхшилашга қанчалаб маблағ сарфланяпти. Биргина мисол. Ўзбекистон маҳалла орқали аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга ўтган йили 41 миллиард сўм сарфлади. Бу бюджетнинг 7 фоизини ташкил қиладиган. Долларга чақилса, 330 миллионга тенг.

Бу фикрлар "Экспресс К"да чоп этилган мақоладаги асоссиз, хомхатала гапларга ойдинлик киритиш учун айтилди, холос. Кўни-кўшничилик удумларини ҳам, бозор иқтисодиёти шартларини ҳам қозоғистонлик биродарларимиз тўғри тушунишлари керак эмасми.

Шундайку-я, лекин ўйлаб туриб ҳайрон қоласан, киши. Чаламачатти далилларни ямаб-ясқаб, одамлар ўртасига совуқчилик солишга чиранаётган қитмирлар ким экан ўзи? Аввало бу "Экспресс К" қанақа газета экан, дея қизиқиб кўрдик. Ана шунда кўп нарса аёнлашди. **Маълум бўлишича, бу нашр ғирромлик, зимдан иш кўриш бобида анча устаси фаранг бўлиб, 1991 йилгача "Ленинская смена" номи билан чиқиб келган. Оддий қилиб айтганда, "Ленинская смена"нинг етим боласи. Ўйинлари, қилиқлари, бузғунчилигидан отасининг феъли сезилиб турибди.** Халқларни бўлиб ташлаб, низо уруғини сочиш, ҳатто, бир мамлакат, бир миллатни иккига бўлиб, бир-бирига қайраш ленинча "сиёсат"нинг ўзгинаси-ку. Шу касаллик бир пайтлар ленинизм ғояларини фаол тарғиботчиси бўлган бу нашр руҳига сиғиб қолган бўлса не ажаб?

Журналист ҳар икки томонни эшитиб, далиллар асосида хулоса чиқариши лозим. Мақола муаллифини журналистиканинг бундай оддий қоидасидан бехабар, дейиш гўллик бўларди, албатта. У Қозоғистоннинг ҳозирги иқтисодий муаммоларидан фойдаланиб, икки халқ ўртасида норозилик кайфиятини уйғотиш ниятидаги, эски одатлари хуруж қилиб турган айрим сиёсий кучларнинг ноғорасига ўйнаётгани аниқ.

Ўзбек ва қозоқ халқларининг дини, тили, дили, нияти муштарак, томирлари туташ. Бу азалий ва абадий дўстликнинг белгиси. Аммо, бозор муносабатларининг ҳам ўз қонуноқоидаси бор. Бу муносабатлар энг аввало, халқаро меъёрларга, шунингдек, ўзаро ишонч, ҳисоб-китоб, лафзда туриш, ҳар хил қутқуларга учмаслик каби мезонларга асослансагина дўстлик чинакам бўлади, турли енгил-елпи гап-сўзлар, ғаразли ўйинларга ҳожат қолмайди.

Сафар ОСТОНОВ,
журналист.

Аввал ўзингга боқ, сўнг ноғора қоқ

ёки "ЭКСПРЕСС К" ўт-газ машмашаси хусусида

Ҳам машаққат, ҳам шараф

Юртимизда мустақиллик шарофати билан ҳам ижтимоий, ҳам маънавий соҳада жуда кўп ўзгаришлар юз бермоқда. Баланд-баланд иморатлар, улкан заводлар қурилмоқда, кўчалар обод бўлмоқда, шаҳар ва қишлоқлар кундан-кунга чирой очиб бормоқда. Президентимиз бошчилигидаги давлат ва ҳукумат раҳбарлари халқимизнинг бахти-фароғати йўлида жуда кўп хайрли ишларни амалга оширмоқда. Гоҳида мана шу буюк ўзгаришларнинг гувоҳи бўлар эксансиз, кўнглингиз ажиб бир фахр туйғусига лиммо-лим тўлади. Булар ҳамласи юртимизда ўрнатилган абадий мустақилликнинг, тинчликнинг, барқарорликнинг тантанасидир. Буларнинг бари тинчлик ҳимоячиларининг, Ватан посбонларининг, шу жумладан, биз чегарачиларнинг машаққатли ва масъулиятли, шу билан бир қаторда шарафли бўлган хизматимиз натижаси эканлигини англаш эса яна-да гаштли.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 13 январдаги Фармонига биноан Ўзбекистон Республикаси Чегара қўшинлари Бош штаби негизида Ўзбекистон Республикасида чегара сиёсатини олиб борувчи марказий орган — Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита ташкил топган эди. Ўтган қисқа давр Чегара қўшинларимиз тарихида давлат чегарасини қўриқлаш тизимини шакллантириш ва тараққий эттиришдаги салмоқли ютуқлар босқичи бўлди.

Эришилган ютуқлар замирида, айниқса жанговар жипсликни кучайтиришга интилиш, ҳарбий интизом ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга, шунингдек, чегара қўшинларининг моддий техника базасини, кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлашга, чегара инфратузилмасини ташкил этишга қаратилган тадбирларнинг салмоғи жуда катта. Шунингдек, буларнинг ҳаммаси бизга катта масъулият юклайди.

Абдуҳамид ҚОДИРОВ,
капитан

ХДП: БПТда ҳисобот-сайловлар

Якдиллик мезон бўлса

«Хоразмбалиқ» ҳиссадорлик жамиятида сўнгги йилларда ишлар орқага кета бошлагани сир эмасди. Аммо, қадим-қадимдан балиқчилиги билан машҳур юртдаги шу соҳага ихтисослашган ягона хўжаликни ривожлантириш борасида ўтган йили катта силжишларга замин ҳозирлана бошлади. Бунга жамиятда раҳбарият алмашгани, ҳиссадорларнинг ўз меҳнатлари самарасини кўра бошлаганлари сабаб бўлди.

— Ҳисобимиздаги ўттиз етти нафар аъзомизнинг барчаси ўзларига бириктилган ҳудудларда бошқаларга ўрнак бўлишмоқда. Сайловлар оралиғида сафимизга янгитдан тўрт нафар фаол аъзо қўшилгани эса жамиятда партиямизга бўлган ишонч мустаҳкамланганини кўрсатади, — деди яқинда ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишида маъруза қилган жамият бошланғич партия ташкилоти котиби Ибодулла Маҳмудов.

Йиғилишда қилинган ишлар, ўтказилган тадбирлар, мустақиллик мафкурасини кенг омма орасида тарғиб-ташвиқ қилиш борасидаги фаолият хусусида мулоҳаза юритилди. Партия аъзоси Баҳром Сатторов етакчилик қилаётган ҳудуддаги иқтисодий кўрсаткичларга, балиқчиликни ривожлантиришнинг асоси бўлган инкубаторга катта аҳамият бераётган инкубация бошлиғи Қадамбой Жабборовнинг ишларига алоҳида эътибор қаратилди.

Бошланғич партия ташкилоти котиби И. Маҳмудовга яна ишонч билдирилгани эса юқорида эслатганимиз якдилликнинг бир белгиси бўлди.

Рўзимбой ҲАСАН,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Ҳар йиғиннинг ўз мақсади бор

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Шофиркон туман кенгаши ўзининг қуйи бўғинларида ҳисобот-сайловларни юксак савияда ўтказишга эришаяпти. 61 та бошланғич ташкилотнинг деярли ҳаммасида ҳисобот-сайлов йиғилишлари очиқ-ойдин, мулоҳаза-ю мунозарали тусда, энг муҳими, мажлис аҳли бир-бирини тушунган алфозда ўтди.

Йиғилишларда қатнашган 2603 нафар ЎзХДП аъзосининг кўпчилиги сиёсий ташкилот фаолияти ҳақида ўз фикрларини билдиришди.

— Йиғилишлар туман марказий шифохонаси, Комила Раҳимова номли, Жўракул Орипов номли, Жаббор Сатторов номли, Шароф Рашидов номли жамоа ва ширкат хўжаликларида талабчанлик руҳида кечди. Партия аъзоларининг ҳозирги ислоҳотлар, кўппартиялилик шароитида меҳнаткашлар орасида фидокорликлари билан ажралиб турганлиги яққол намоён бўлди.

Шунингдек, «Бухоро ипаги» ҳиссадорлик жамияти бошланғич партия ташкилотида бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишида 43 нафар партия аъзоси бўлган бу корхонани оёққа турғазиш йўллари, ёшларни қўллаб-қувватлаш, иш шароитларини яхшилаш, раҳбарликдаги иш услубини янгилаш ҳақида сўз борди. Хуллас, йиғилишлар шунчаки эмас, балки амалий таклифларга бойлиги билан олдингилардан фарқ қилди.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Фахрийларга эҳтиром

Яқинда Шайхонтоҳур туман партия кенгаши ва «Оқлон» маҳалласи бошланғич партия ташкилоти билан ҳамкорликда Хотира ва Қадрлаш байрами муносабати билан маҳалла тадбири ўтказилди. Йиғилганларни Шайхонтоҳур туман ҳокими биринчи муовини Ҳ. Содиқов ва туман партия кенгаши биринчи котиби Ҳ. Бобохонов муборакбод этдилар. Табриклаганлар ичида АҚШнинг Массачутес штатидан келиб маҳаллада 4 йилдан бери оиласи билан истиқомат қилаётган шу ернинг маънавияти, қадрияти ва тилини қунт билан ўрганаётган тадқиқотчи Кайл Зиммерли ҳам бор эди. У маҳалла қўмитаси ва бошланғич партия ташкилоти билан алоқани яхши йўлга қўйган. Унинг ёрдамида маҳалла фахрийлари учун тиббий марказ барпо этиляпти. Қилаётган ишлари Хиллари Клинтоннинг «Маҳалла» дастури билан ҳамоҳанг эканлигидан мамнун таниқли санъаткорлардан Неъматжон Қулабдуллаев. Ҳамза театрининг етакчи актёри Зикир Муҳаммаджонов ва 14-ўрта мактаб ўқувчилари тадбир иштирокчилари кўнглини хушнуд этдилар. Тантанада шунинг билан бирга уруш фахрийларига фахрий ёрлиқлар, маҳалла ҳудудида жойлашган Тиббиёт билим юрти талабаларига эса партия билетлари топширилди.

Бозорбой ҒОЙИБОВ,
ХДП Шайхонтоҳур туман кенгаши котиби

Партия ҳаёти

Кўчма бюро йиғилиши

ХДП Самарқанд вилояти кенгашида жойларда кўчма бюро йиғилиши ва амалий машғулотлар ўтказиш аньанага айланиб қолган.

Навбатдаги бюро йиғилиши Нуробод туманида бўлиб ўтди. Йиғилишда саркотиблар юртбошимизнинг Олий Мажлис XIV сессиясидаги «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» маърузасини атрофлича ўрганиб, ундан келиб чиқадиган хулосаларни ХДП ҳаётига татбиқ қилиш масалаларни муҳокама этишди.

Шунингдек, йиғилишда бошланғич партия ташкилотларида ҳисобот-сайловларни якунлаш, туман конференцияларини ўтказиш ва Ўзбекистон ХДП Пахтачи туман ташкилотларида ички партиявий интизом, аъзолик бадалларини ўз вақтида тўлаш ва йиғиб олишнинг аҳволи ҳамда ХДП Нарпай туман кенгашининг партия кадрларини танлаш, тарбиялаш, касб маҳоратини ошириш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш каби масалалар кўрилди.

Муҳокама қилинган масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

Лутфулла МАМАСОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Фойдаланилмаган имкониятлар ҳали кўп

— Ўтган йил партиямиз аъзолари сафи яна беш нафарга кўпайди, — деди Касби туманидаги «Матлубот-савдо» очиқ ҳиссадорлик жамияти бошланғич партия ташкилоти котиби Р. Жўраев ҳисобот-сайлов йиғилишида. — Нега бунча оз дерсиз? Гап шундаки, ҳозирги кунда партиядошларимиз олдига қўйилаётган масъулият ҳамда вазифалар ниҳоятда катта...

Шу тариқа котиб ташкилий-партиявий, ижтимоий-сиёсий соҳаларда олиб борилган ишлар хусусида қисқача тўхталди.

Йиғилишда сўзга чиққанлар ХДП аъзолари олиб борган ишлар ҳамда фойдаланилмаган имкониятлар, шунингдек, ўтган давр мобайнида партияга қабул қилиш ишларида сусткашликка йўл қўйилганлиги ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Жамият раиси А. Холмуродов, жумладан, шундай деди:

— Эҳтимол котибнинг гапларида жон бордир. Бироқ, ўзида 50 аъзони бирлаштирган партия ташкилотида ташаббускорлик етишмайди, нега улар жамият бошқаруви олдига қандайдир масалани кўндаланг қўймайдилар? Нега кечаётган айрим воқеаларга жамиятимиз аъзолари билдириши керак бўлган муносабатни ўрганиб чиқмаганлар? Балким, кейинги фикрим сал ғалатироқ туюлар, лекин ана шулар ташкилотимизнинг дастурига киримайдими? Зотан, ХДП бошланғич ташкилотнинг нуфузи ўшандай ташаббус ва онглилик билан кўтарилиши тайин гап.

Йиғилишда қатнашган ЎзХДП туман кенгашининг биринчи котиби А. Холов жамият раисининг фикрларини қўллади. Бир киши эмас, ҳар бир ХДП аъзоси ва бошқа фаоллар ҳам шу тариқа иш юритиши лозимлигини уқтириб ўтди.

Илҳом ҚАРОМОВ

Мақсад — юрт хавфсизлиги

Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараларини қўриқлаш ва ҳимоя қилиш Концепциясида шундай дейилади: Давлатимизнинг чегара сиёсати — бу чегарамизнинг суверенитетлигини ва дахлсизлигини, мамлакатимизнинг ҳудудий бутунлигини, Давлат чегараларида миллий манфаатларимизни ҳимоя қилишга йўналтирилган марказий ва маҳаллий ҳокимият органлари, ташкилотлари билан фуқароларнинг ўзаро ҳамкорликдаги фаолиятидир.

Давлат чегарасини ҳимоя қилиш — миллий хавфсизлигимизни таъминлаш тизимининг ва давлат чегара сиёсатини амалга оширишнинг асосий бир қисми бўлиб, ушбу иш чегара маъмурияти томонидан қуруқликда, сувда ва ҳавода Давлат чегарасининг хавфсизлигини таъминлаш бўйича сиёсий, иқтисодий, ташкилий-ҳуқуқий, мудофаа, дипломатик соҳадаги қарорларни қабул қилиш орқали амалга оширилади.

Чегараларни мустаҳкамлаш ташқи дунёдан ажралиш деган сўз эмас, албатта. Бизнинг мустақил давлатимиз ҳар доим тинчлик сиёсатини олиб борган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади, шу билан бирга қўшни давлатлар билан дўстона муносабатларни ривожлантиришдан ҳар доим манфаатдор бўлиб келган. Юртимизга меҳмон яхши ният билан қадам босса, биз уларни ҳамиша халқимизга хос меҳмоннавозлик билан кутиб оламиз. Агардаки, ёвуз ният билан Ватанимиз остоналарини — чегараларимизни бузмоқ истаса, биз ўзимизни ҳимоя қилибгина қолмай, уларга тегишлича жавобини беришга ҳам масъулмиз ва мажбурмиз. Шу ўринда Президентимизнинг қуйидаги сўзлари барча ватандошларимиз сингари бизга ҳам дастур бўлади.

«Биз XXI аср бўсағасида турибмиз, биз янги буюк ишлар олдида турибмиз. Сиз билан бизнинг вазифамиз давр олдимизга қўяётган барча талабларга муносиб жавоб қайтаришдир. Истиқболимизни аниқ ва равшан тасаввур этиб, халқимизнинг тинч ва фаровон турмушини таъминлашдир, жаҳон майдонида ўзимизга муносиб ўрин эгаллаб олишдир».

Саидҳаким ИБОДУЛЛАЕВ,
катта лейтенант

Фидойи журналист

Орамиздаги одамлар

Ҳаёт йўлим, кўрган-билганларим, бошимдан кечирганларимга асосланиб айтсам, ҳар ким ҳам журналист, ёзувчи, шоир бўлавермайди. Ҳақиқий журналист бўладиган бандасига Оллоҳ алоҳида бир иқтидор, сабр-тоқат, имон-эътиқод, ғайрат-шижоат ато қилган бўлиши зарур.

Абдумутал Абдуллаев ана шу ҳислатларга эга бўлган журналист. У етмишинчи йилларнинг бошларида Тошкент Давлат университетини тамомлаб журналист касбини эгаллаб ҳозирги «Андижоннома»га бир гуруҳ ёшлар қаторида келди. У газетанинг ҳамма бўлимларида синалди. Абдумуталда ўзига талабчанлик, доим ўқиб ўрганиш, ҳаётга синчковлик билан қараш, муаммоларни тез илғаб олиш ва ҳаммага самимийлик ҳислатларини кўрдим. У ўз касбига содиқлиги, ҳалоллиги шарофати билан катта эътибор ва ҳурматга сазовор бўлди.

Журналист кейинчалик «Қишлоқ ҳаёти» газетаси ижодий қозонида қайнади. Устозлардан унга яна яхши ҳислатлар юқди. «Андижоннома»нинг муҳаррири даражасига кўтарилди. Ҳозир у шу газета муҳаррирининг ўринбосари лавозимида тер тўкиб ишламоқда. Тўғри-да, тўлиб-тошиб, жўшқин ёза оладиган журналистга амал супаси эмас, газета майдони керак.

Абдумутал 1998 йили Матбуотни демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш республика жамғармаси ўтказган «Йилнинг энг яхши журналисти» танловида совриндор бўлди. Бу мукофот унинг журналистика соҳасида куч-қувватга тўлиб ақлзаковати етилганидан нишонадир. У бир неча китобларнинг муаллифи ҳамдир. Унинг газета саҳифаларида чоп этилаётган ҳар бир очерки, публистик асари, лавҳалари ўқувчиларда яхши таассурот уйғотаяпти.

Республикада хизмат кўрсатган журналист Абдумутал Абдуллаев мустақиллигимизни рўйи-рост ва баралла ёритаётган фидойи ижодкордир.

Собитжон ШОКАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими



Шу кунларда Ғузор туманидаги Шўртан газ-кимё комплекси қурилиши юқори суратларда давом эттирилмоқда. Қурилишнинг бош пудратчиси «Қаршиқурилиш» ҳиссадорлик жамияти жамоасининг меҳнати эътиборга лойиқдир.

Ҳиссадорлик жамиятининг 1600 дан ортиқ юқори малакали мутахассислари турли йўналишларда жонбозлик кўрсатишмоқда. Йилнинг биринчи чорагида 12 та улкан иншоот ишга туширилди, 25 та янги объектларда қурилиш ишлари жадал суратларда олиб борилмоқда.

Газ, сув ва иссиқлик узатиш тизими қишки мавсумда янги посёлка қурилишида амалга оширилди. Хонадонларда яшаётган аҳоли мазкур қулайликлардан мамнун. Май қуёшидан баҳра олаётган замин қўкаламзорга айланган

Суратларда: 1. Газ-кимё комплексининг марказий қисмида қурилиш давом этаяпти. 2. Илғор қурувчилар Олтибой Мейлиқулов ва Самад Сапаров. 3. Қарши магистраль канали сувини юқорига узатувчи қудратли насос станцияси қурилишидан лавҳа.

Ш. ШАРОПОВ (ЎзА) олган суратлар

Жиноят содир бўлади, жиноятчи ким?

У сизнинг ёки бизнинг ака-укамиз, опа-синглимиз, фарзандимиз, қариндош-уруғимиз, ўқувчимиз, ҳамкасбимиз ёки қўни-қўшнимиз бўлиши мумкин. Шу ҳақда ҳеч ўйлаб кўрганмисиз?

Ҳуқуқ-тартибот идоралари содир бўлган жиноятни очиш, жиноятчиларни жазолашдан ҳеч бўшамаслигини ўйлаганда ҳақли савол пайдо бўлади: ўзи бу жиноятларнинг олдини олса бўладими?

Бу саволга жавобан кимлардир ҳуқуқ-тартибот органлари масъулиятлирок бўлиши керак, деган жавобни берса, бошқа бир гуруҳ кишилар жиноятчиликка қарши ҳаммамиз биргаликда курашсаккина қутилган натижага эришиш мумкин, деган фикрни билдирадилар. Жиноят содир этган шахсларга нисбатан ўта қаттиқ жазо чораларини қўллаш йўли билангина жиноятнинг пайини қирқиш мумкин, деган қарашни олдинга сурувчи фуқаролар ҳам йўқ эмас. Аммо, бу каби турлича фикрлардан хулоса битта — жиноятнинг олдини олса бўлади. Шу ўринда ўтмишдаги «Фуқароларнинг ўзаро бир-бирини назорат қилиши жиноятни бартараф этади» деган ҳаёт тажрибасидан ўтган сўзларни келтириб ўтишни истардим. Демак, ҳамма ўзаро бир-бирини назорат қилса, ҳар биримиз оиламизда, ишхонамизда, маҳалламизда, ён-атрофимизда бўлаётган воқеа-ҳодисаларга нисбатан лоқайд ва бефарқ эмас, балки ҳушёр ҳамда сезгир бўлсак жиноятнинг томирига болта уришга ҳиссамизни қўшган, юз бериши мумкин жиноятларнинг олдини олган бўламиз.

— Афсуски, ҳали сафимизда фуқаролик масъулиятини етарлича ҳис қилмайдиган, теварак-атрофда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга нисбатан кузатувчи бўлиб туришга одатланган юртдошларимиз оз эмас, — дейди, **Жиззах вилоятидаги Дўстлик туман суди раиси Бахриддин Норхўжаев.** — Бундайларга нисбатан буюк Рим ёзувчиси Сенеканинг «Кимки жиноятнинг олдини олишга имкони бўла туриб, уни қилмаса, у жиноятни рағбатлантирувчидир» деган ҳикматли гапини эслатишни ўринли деб ҳисоблайман.

МИСОЛ: Яқинда Жиззах вилояти судининг судьяси К. Умматов раислигида ўтган очиқ суд мажлисида 1973 йилда туғилган Редзам Жалилов билан 1975 йилда туғилган Александр Югай ЎЛИМ жазосига ҳукм қилинди.

Улар ўзаро жиноий тил бириктириб, ширакайф ҳолда Зарбдор посёлкасида истиқомат қилувчи фуқаро Л.А.Силиннинг уйига бостириб киришади. Пул ва қимматбаҳо буюмларни қўлга киритиш илинжида уй бекасини қийнайдилар. Мақсадларига эришолмагач, уни бўғиб ўлдиришади ва жами 89000 сўмлик қимматбаҳо буюмларни олиб чиқиб кетишади. Кетиш олдидан эса бехосдан воқеанинг гувоҳи бўлиб қолган фуқаро Л. Айдаскинага агар кўрган-билганлари тўғрисида оғиз очадиган бўлса унинг бошига ҳам Силиннинг қисмати тушиши муқаррарлигини айтиб қўрқитадилар. Бироқ Л. Айдаскина фуқаролик бурчига содиқ қолиб, жиноятчилар кетиши билан воқеадан огоҳ қилиш мақсадида қўшниларнинг эшигини қоқа бошлайди. Афсуски, бу борада шубҳаланиб ортга қайтган жиноятчилар уни ҳам тутиб олишади ва аёвсиз калтаклаб ўлдиришади.

Энди ўзингиз ўйлаб кўринг ва хулоса чиқаринг. Хўш, қотилликка қўл уришга қадар Александр Югай билан Редзем Жалиловлар ким эдилар ва қандай ҳаёт кечирганлар? Аввало, уларнинг ҳар иккаласи ҳам муқаддам жиноят содир этиб, суднинг қора курсисида бир мартадан ўтириб чиқишга улгурган кимсалар эди. Қолаверса, унисиям, бунисиям ишга жойлашмасдан бекорчиликни касб қилиб олган нусхалар бўлган. Яна бир характерли томони шундаки, улар ўрта мактабнинг саккизинчи синфини бир амаллаб битириб чиққан маънавияти ҳаминқадар, маърифатдан йироқ бўлган, спиртли ичимлик ҳамда гиёҳванд моддалар истеъмол қилишга берилган шахслардир. Шундай экан, бу икки зўровон ва қотил яшаган маҳалла-кўй қаёққа қараган? Маҳалла раҳбарлари, оқсоқоллар нега бундай бетайин, бетизгин нусхаларга вақтида танбеҳ бермаганлар, уларни тартибга чақирмаганлар? Маҳаллага биркитилган ички хизмат вакилларичи? Улар бир марта судланган кимсаларнинг яна жиноят қилишлари мумкинлигини билмасмидилар? Жиноятчиларнинг қўни-қўшнилари, қариндош-уруғлари, ота-оналари қаерда эди? Наҳотки, улар ўзлари билан ёнма-ён ва ҳатто бир уйда истиқомат қилаётган ака-укалари, фарзандлари тақдирига бу қадар бефарқ ва лоқайд бўлишса? Бу «занжир»нинг қайсидир «халқаси»да турган кишилар озгина сезгирроқ ва ҳушёрроқ бўлганларида, тегишли ташкилотларни вақтида огоҳ қилганларида эди, балки жиноят юз бермаган, бегуноҳдан бегуноҳ икки кишининг ҳаёт шами барвақт сўнмаган бўлармиди?

Шу ўринда иккинчи бир масала ҳам бор. Кўпинча кичикроқ бир жиноят иккинчисига йўл очади. Ҳеч гапдан ҳеч гап йўқ қўлларини инсон қони билан бўяган ушбу қотиллар ҳам аввал гиёҳванд модда топиб, уни истеъмол этган ва ширакайф ҳолда энг мудҳиш ва энг оғир жиноятга қўл урган.

Ичкиликбозлик ва жиноят ижтимоий ҳаётда бир-бири билан доимо узвий боғланган икки ҳодисадир. Шунинг учун ҳам маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғинлари тўй ва маросимларни ичкиликсиз ўтказиш, ортиқча дабдаба ва исрофгарчиликларга йўл қўймаслик чораларини кўришлари зарур. Қолаверса, ичкиликка берилган оилалар, ёшлар билан ишлаш, уларни бу йўлдан қайтариш учун таъсирчан чораларни қўллаш лозим.

Афсуски, ўтган йили Дўстлик туманида 171 та жиноят содир этилган бўлса, шундан жами жиноятларнинг 80 фоиздан кўпроғи ичкиликбозлик оқибатида рўй берган.

Фуқаролар томонидан турли хил жиноятларнинг содир этилишида ҳуқуқий билим ва ҳуқуқий маданиятнинг етишмаслиги ҳам сабаб бўляпти. Бундай ҳол айниқса ёшлар ўртасида кўпроқ кўзга ташланиб қолаётир. Бунга жойларда ҳуқуқий тарғиботнинг етарли эмаслиги билан бир қаторда ёшларнинг ишдан кейинги бўш вақтларини кўнгилли ва мароқли ўтказишлари учун зарур шарт-шароитларнинг йўқлиги, турли хил кўнгилочар тадбирларнинг ташкил қилинмаслиги, бу ишга маҳаллий ҳокимият органлари, ёшлар ташкилотларининг талаб даражасида эътибор бермаётганликлари ҳам сабаб бўлмоқда. **Дўстлик туман прокурори, адлия маслаҳатчиси Б. Наврўзов** қуйидаги мисол билан бу фикримизни тасдиқлайди:

МИСОЛ: Ўтган йили туманда вояга етмаган ёшлар ўртасида жами 11 та жиноят содир этилди. Шулардан 90 фоизи ҳеч жойда ўқимайдиган ва ишламайдиган ўсмирлар ҳиссасига тўғри келади. Масалан, «Манас» хўжалигида истиқомат қилувчи 1981 йилда туғилган Жаҳонгир Қораев томонидан содир этилган жиноятни олайлик. Ҳали вояга етмаган мактаб ўқувчиси Ж. Қораев тунда хўжалик ҳудудидаги фуқаро З. Холменовага қарашли хусусий дўконга ўғирликка тушади. Одамлар сезиб қолгач, дўкондан чиқадию жуфтакни рослаб қолади. Лекин, бўлар иш бўлган, жиноят содир этилган эди. Жиноий ишни кўриб чиққан суд жиноятчининг ҳали вояга етмаганлигини, мактаб ўқувчиси эканлигини, муқаддам жиноят қилмаганлигини, оилавий аҳволини инобатга олиб, унга енгил жазо чорасини белгилади ва республикамиз Президенти томонидан эълон қилинган Авф этиш тўғрисидаги Фармонга кўра, уни жазодан озод қилди. Афсуски, шу воқеа туфайли ҳали ўн гулидан бир гули очилмаган Жаҳонгирнинг тақдирида қора доғ қолди. Бу қора доғ энди уни бир умр таъқиб этади. Чунки, жиноятдан кўра содир этилган жиноятнинг ярамас оқибатлари яшовчанроқ бўлади.

МУЛОҲАЗА УЧУН: «Манас» хўжалигидаги спорт майдончаси қаровсиз қолган. Эгасизлик ва масъулиятсизлик оқибатида маданият саройи деярли харобага айланган: томидан чакка ўтиб, деворлари тўкилай деб турибди. 2 та кутубхона бир неча йилдан бери ишламайди ва улардаги минглаб нусха китоблар чанг босиб, сичқонларга ем бўлиб ётибди. Бу ерда ойлаб ёшлар ўртасида бирон-бир кўнгилочар тадбир ўтказилмайди, саньаткорлар, ёзувчи ва шоирлар, ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари билан учрашувлар ўтказиш, кинофильмлар намойиш этиш унутиб юборилган.

Энди **Жаҳонгирнинг отаси Баҳриддин Қораев**нинг сўзларига қулоқ солинг:

— Ота-она бамисоли дарахт бўлса, фарзандлар унинг меваларидир, деган экан машойихлар. Дарахт қандай бўлса, унинг меваси ҳам шундай бўлиши табиий. Афсуски, баъзан билиб-билмай фарзандларимиз тарбиясини эсдан чиқазиб қўямиз ва ўзимизнинг бундай хатти-ҳаракатимиз оқибатида унинг аччиқ мевасидан татиб кўришга мажбур бўламиз. Жаҳонгир билан ҳам худди шундай бўлди. Айб аслида менда ва онасида, қолаверса мактабида. Фарзандимизнинг қизиқишларини ўрганмадик, унга йўл-йўриқ кўрсатмадик, дарсдан бўш пайтларида ўзи қизиққан йўналишлар бўйича шуғулланиши учун имконият яратиб бермадик. Оқибатда ўғлимиз бошқаларнинг таъсирига тушиб , жиноят кўчасига кириб қолди. Ҳалиям кеч эмас, хатони тузатиш мумкин. Биз шунга ҳаракат қилаяпмиз. Ота сифатида бошқаларга фарзандлар тарбияси билан мунтазам шуғулланиш зарурлигини, бу масалада бирон кунни ҳам беҳуда ўтказмаслик кераклигини, акс ҳолда кеч бўлиши мумкинлигини эслатмоқчиман. Кейинги пушаймондан эса фойда йўқ.

Энди, содир этилаётган жиноятлар орасида кишининг кўнглини баттар хира қиладиган яна бир нарса бор — бу аёллар жиноятчилиги.

ДАЛИЛ: Туманда аёллар ўртасидаги товламачилик, қўшмачилик, ўғирлик, аёллик шаънига доғ туширишлик каби ҳолатлар мавжуд. 1998 йилда 9 нафар аёл жиноий жавобгарликка тортилди. Шундан 2 нафари вояга етмаган ёшларни жалб қилган ҳолда жиноят содир этганлиги учун, 1 нафари товламачилиги учун, 5 нафари қўшмачилик билан шуғулланганлиги учун, яна 1 нафари савдо қоидаларини бузганлиги учун қонун олдида жавоб бердилар.

Шу ўринда ҳақли саволлар пайдо бўлади: Хўш, Шарқ аёлларига хос бўлмаган бундай ҳодисалар нега юз бермоқда? Хотин-қизлар қўмиталари, маҳалла ва бошқа жамоат ташкилотлари бунга қандай муносабатда бўлаяпти? Ташкилий-тарбиявий, маданий-маърифий ишларни жонлантиришга масъул бўлган мансабдор шахслар-чи?

Аслида ҳаёт мураккаб ва тасодифларга тўла. Атрофимизда турфа хил феъллари, турфа хил тақдирли кишилар яшайдилар. Уларнинг орасида яхшилар кўп, афсуски, ёмонлар ҳам бор. Инсон ўзига берилган қисқагина умри давомида не-не тасодифларга дуч келмайди, не-не синовларни бошидан кечирмайди дейсиз. Кимлардир ҳаммасига бардош бериб, қилган яхши ишларию савобли хизматлари билан кўпчиликнинг қалби тўридан мустаҳкам жой олса, айримлар билиб-билмай жиноятга қўл урадилар ва жиноятчи деган тавқилаънатни бир умрга бўйинларига оладилар. Ачинарли томони шундаки, жиноятчи деб ном олган кимсалар ҳам аслида бегона эмас, балки сизу биз сингари инсонлардир. Суриштирсак, жиноятчи қайси биримизнинг фарзандимиз, қариндош-уруғимиз, ака-укамиз, қўни-қўшнимиз, ўқувчимиз, шогирдимиз ёки ҳамкасбимиз бўлиб чиқади. Демак, уни бу хавфли йўлдан вақтида қайтармаганимиз, тарбияси билан етарлича қизиқиб кўрмаганимиз, бир инсоннинг тақдирига бефарқ ва лоқайд муносабатда бўлганимиз учун сизу биз ҳам қайсидир маънода айбдормиз.

Мақолага сўнгги нуқта қўяр эканман, сўзимни мухтасар қилиб муҳтарам Президентимизнинг қуйидаги сўзларини айнан келтирмоқчиман: **«Умуман олганда салбий ҳодисаларнинг барчаси, жумладан, жиноятчилик ҳам маънавий қашшоқлик, маърифий кемтиклик шароитида вужудга келади. Ана шу хулосадан келиб чиқиб айтиш мумкинки, қонунбузарликнинг олдини олиш, тартиббузарликка қарши курашни кучайтириш, ҳозирги иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш даврида қонун устуворлигини таъминлаш фақат ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларинингина вазифаси эмас, ҳар бир раҳбарнинг, маҳалланинг, жамоатчиликнинг ҳам муҳим вазифасига айланиши керак».**

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,
Жиззах вилояти Дўстлик тумани «Дўстлик ҳаёти» газетаси муҳаррири.

Саид АҲМАД

Азроил ўтган йўлларда

Ҳикоя

Собиқ шўро терговчилари қўлида азоб чеккан юртдошларимга бағишлайман.

Оёғи ногирон бемор тилга кирди:

— Қаерларга юрибсиз, Ойти? Ишкингизга ўллик-ку!

Ойти унинг ҳазилига ҳазил билан жавоб берди:

— Бошқа палаталарга ҳам жазманларим кўп, акамулло!

— Аёким мундоқчикин бўлмаганда сизни ўзим опқочиб кетардим.

— Ундоқ бўлса, оёғингизни шу бугунок тузатиб қўйганим бўлсин. — У шундай деб ёнидаги ҳамширага юзланди. — Аравачани олиб келиб отахонни бир боғ айлантиринг. Тоғ ҳавосига ўрганган одам палатада жуда қийналиб кетди.

У беморларнинг қон томирини ўлчаб, «Зўр, зўр, юрак эмас, паравоз. Овқатдан қисмасак, қутуриб кетибсизлар», — деди.

— Ундоқ бўлса бир кунга уйга жавоб беринг, момнинг қулоғига секратний гапим бор эди.

Ойти, ёмонсиз, ёмонсиз, раис бова, дея кулиб чиқиб кетди.

Аёллар кирган палата бирдан ёришиб кетгандек бўлди. Улардан қувонч ва нур қолди.

— Барака топкур, зап файзли аёл-да. Беморнинг оғриғини икки оғиз сўз билан тузатворади-я!

Жалол полвон ўзим юраман, дейишига қўймай уч кишилашиб уни аравачага ўтқазиб ташқарига олиб чиқишди. Ҳаво очиқ, ғир-ғир шаббода эсиб турипти. Қўлига стакан, пиёла ушлаган беморлар сув ичгани булоқ томонга кетишяпти.

Бу ердан чиққан булоқ суви нақд буйрак касалининг тайёр давоси эди. Жуда кўп одамлар буйрак оғриғидан вой-войлаб келиб, шу сувдан шифо топиб, хандон-хушон уйларига қайтиб кетганлар. Учта чол полвон ўтирган аравачани навбатма навбат итариб хиёбон айланишар эди.

— Бу ерда аёлларнинг исми қизиқ экан — деди Жалол полвон ҳайрон бўлиб. — Сангча, Ойти... бу нима дегани? — Қўлтиқтаёқда судралиб келаётган бемор тушунтира бошлади:

— Сизнинг ташкентингизга Тошхон, Тошбиби деган аёллар борми? Бале, бизнинг Бухор тилига Сангча дегани Тошкент тилига Тошча дегани. Оналари бошинг тошдан бўлсин, дўхтарим, деб шунақа исм қўядилар. Ойти дегани асли Ойтўти дегани. Бу Ойхола деган маъно беради, ўрисларнинг тўта деган сўзи ҳам шундан олинган бўлиши керак. Сизлар эркакларни мулла ака дейсизлар, биз акамулло деймиз, опамулло деймиз. Дўхтир опанинг исми дакументга бошқача. Яъни Истат Фузайловна. Тушундингизми?

Полвон тушундим дегандек бош ирғаб қўйди. Улар сўлимгина шийпончага чиқиб чақчақлашмоқчи бўлишди.

— Меҳмон, ўзларини қаердан сўраймиз? — деди ияги силкинадиган бемор.

— Сўраманг, — деди полвон. — Юртим жуда узоқда, тоғлар орасида. Ўзларингдан сўрай. Сизларга нима бўлган? Кўп дард тортганга ўхшайсизлар.

— Ҳа, нимасини айтасиз. Гулоянинг тошкентлик итлоғи ураверіб, ураверіб ҳаммамизни инвалид қилиб кетган. Балки эшитгандирсиз уни? Кўчқор Жалолов деган терговчи, ҳа, ўша...

— Ҳой, ҳой оғзингга қараб гапир «Ойти» келяптилар. — Фузайловна ўтиб кетгандан кейин у сўзини давом эттирди: — Ўша кўп ишлар қилиб кетди. Бутун бир шаҳарни боқса етадиган бойлик олиб кетди.

— Сўкинмай гапир, — деди дудуқланадиган бемор аранг гапириб.

— Сўкаман, нега сўкмас эканман!

Жалол полвоннинг вужуд-вужудига минглаб игна санчилгандек бўлди. У дунёга келиб ҳали бунақа ҳақорат эшитмаган эди. Тишини-тишига қўйиб чидади.

— Гулоянинг ўзи ҳафта — ўн кунда бир келиб Кўчқорнинг йиққан-терганларини чамадонга солиб олиб кетарди. Унинг терговчилари Фарғонада, Хоразмда, шу бизнинг Бухорода иш олиб борарди. У жуда ҳам шафқатсиз эди. Хотинларимизни ҳам, келину қизларимизни ҳам қамаган эди...

Ҳамшира Сангча уларни тушликка чақирди.

— Қани, тойчоқларим, дўмбоқларим, афқотга.

Унинг бу гапига Жалол полвоннинг ғаши келди:

— Ия, биз унинг бобоси тенги бўлсак, бу тирранча қизалоқ эрмак қиляптими?

Учала бемор баробарига хандон ташлаб кулиб юборишди.

— Шу қизалоқнинг икки кўёви, бир келини бор. Саксонинчи йилда неварам кўричак бўлиб касалхонага тушиб қолди. Сангчани ўшанда биринчи кўришим эди. Қарасам, у тилжағли, оёқ-қўли чаққон, сухсурдек қиз. Кенжа ўғлимга қиз қидириб юрган пайтимиз эди. Бош врач олдига кириб Сангча деган ҳамширангиз бор экан, ахлоқ-одоби қандоқ, деб сўрадим. Бош врач кулди.

— Бу қизнинг биринчи эридан уч, кейингисидан тўртта боласи бор. Эри аварияга учраб ҳалок бўлгандан кейин ота-онасининг қистови билан эрининг йилини ўтқазиб эрга теккан. Отаси бир юз бирга кирди. Онаси тўқсон олти ёшда оламдан ўтган. Битта опаси ҳозир саксон бир ёшда.

Жалол полвон бу гапга ишонмагандек «Йўғ-е», деб юборди.

— У Ойтимуллодан уч ёш катта. Қаранг, юзида битта ҳам ажини йўқ. Сочларига ҳалигача оқ ораламаган. Ойти эллик бир ёшда бўлса, у демак эллик тўртда бўлади. Ҳали зуваласи пишиқ. Қизларига совчи келса янглишиб Сангчани қизлардан биттаси бўлса керак, деб гапга солиб кўришади.

Жалол полвон ё алҳазар, деб юборганини билмай қолди.

— Бухоронинг тагига олтин бор. Мана шу ичаётган сувимиз ҳам тилло қумлар орасидан ўтиб келаётган бўлса ажаб эмас, — деди қўлтиқтаёқда судралиб келаётган бемор. Пошшою амирлар ҳам аҳмоқ эмас. Тилло пиёлада шароб ичишган. Тилло меъдани тозалайди. Одамлар бекорга тилло тиш қўймайди. Қайнотамнинг дадаси заргар эди. Йилига бир марта битта бухор тангани эговлаб кукунини кап отарди. Ана шу одам бир юз етти ёшда оламдан ўтган.

Кечқурун Сангча дори ичиргани кирганда полвон

4

унга разм солиб қаради. Унинг жилмайишга мойил бўлиб турган маъсум лаблари, қуюқ киприклари қуршовида қолган мастона кўзлари, ҳали пардоз кўрмаган юзлари қарамаганни ҳам ўзига қаратади. Жалол полвон етмиш ёшли чол бўлатуриб унга беҳаёларча қараб турганидан уялиб кетди. Тангрим, ўзинг кечир, тавба қилдим, деб истиғфор келтирганини ўзи ҳам билмай қолди.

Сангча чиқиб кетар экан, билиб қўйинглар, болакайларим, телевизорни ровна соат ўнда ўчириб кетаман, деди.

— Ундай қилма, болам. Бугун соат ўну ўнда Марям билан Гулбаҳорнинг консерти бўлади. Марям «Қурбон ўлам»ни, Гулбаҳор «Барно йигит»ни айтади. Ўчирма, жон болам, — деб ёлборишди чоллар.

— Бўпти, — деди Сангча Амонова. — Меҳмон, — деди у Жалол полвонга. — Сиз фомил чой ичмай туринг. Кўк чой буйракни ювади. Ҳозир айтаман, ҳаммангларга бир чойнакдан кўк чой келтирадилар.

Бироздан кейин патнисда чойнакпўш кийдирилган тўртта чойнак келтириб стол устига қўйиб кетишди.

Ияги силкинадиган бемор анчагина гапдон экан.

— Меҳмон, биз сизнинг исми шарифингизни билмаймиз, сиз бизникини билмайсиз. Келинг, яхшилаб танишиб олайлик. Менинг исмим Ҳамро Очил. Мана шу жойдаги колхозга раис эдим. Шу санаторийга ерни мен ўзим ўлчаб берганман. Манави лангнинг, яъний чўлоқнинг оти Ихтиёр Камол Қоракўл совхозига директор бўлган. Анаву соқовнинг оти...

— Соқов дема, дудуқ де.

— Хўп, бўпти. Унинг оти Зулфиқор, фомиласи... — айтаверайми, деб унга қаради. Зулфиқор менга бари бир дегандек кўл силтаб қўйди. — Унинг фомиласи Гадоев. Пахта заводига директор бўлган. Ана энди сиз ўзингизнинг исми шарифингизни айтинг.

— Мен унақа машҳур одам эмасман, пўристой бир полвонман, холос. Полвон ака десанглар бўлади.

Орага жимлик чўкди. Ҳар ким ўз чойнагидан чой қуйиб қайтара бошлади.

— Чойни бир қайтарсанг чой бўлади, икки қайтарсанг мой бўлади. Уч қайтарсанг, гижинглаган той бўлади, — деди Зулфиқор Гадоев.

Жалол полвон яна Кўчқор тўғрисида гапириб қолишмасин, деб, асли камгап одам бўлишига қарамай, узундан-узоқ гап бошлади:

— Эллик беш йилдан бери кураш тушаман. Манаман деган зўр полвонлар билан беллашганман. Худонинг меҳрибонлигидан ўргилай, умримда енгилиш нималигини билмай ўтдим. То ўлгунимча шундоқ кетаман, деб ўйлагандим. Аммо бир ёш боладан йиқилиб, шармандаи-шармисор бўлдим. Касалим ҳам шундан. Бола ниҳоятда кучга тўлган, абжир, кураш ҳадисини олган паҳлавон экан. Урди, мени чалпак қилиб ерга урди. Белбоғимни тирсагига ўраб қисганда белим чўрт узилиб кетади-ёв, деб ўйладим. Белбоғим худди сим арқон бўлиб суяк-суякларимгача қисарди. Қуймичим аралаш ерга зарб билан тушдим. Ичак-чавоқларим аралаш-қуралаш бўлиб кетди, деб ўйладим. Даврадан оғриқ азобида, юрт кўзига қараёлмай, шармандаи-шармисор бўлиб чиқиб кетдим. Дўхтирлар буйрагингиз жойидан кўзғолибди, дейишди. Мана энди қариганимда дардга чалиниб ўтирибман.

Беморлар унинг бу гапларини қулоқ қоқмай тинглашарди.

— Ҳар бир одамнинг ичига дард бор. Э, нимасини айтасиз, биравники ошкора, биравники пинҳона. Мана, бизди олсак...

Ҳамро Очил Зулфиқорнинг гапини бўлди:

— Яна анаву ифлос, итдан тарқаган Кўчқор Жалолов тўғрисида гап бошламоқчимисан, гадойнинг боласи? Қўй, ўшанинг ҳаром отини оғзингга олма.

Полвон бир қизарди, бир бўзарди. Ноилож чидади. У шунча, узундан-узоқ гапириб уларни чалғитмоқчи бўлганди. Бари бир гап айланиб яна ўғлига келиб тўхтади...

— Эртага бизникига нонушта қилсак. Уйим яқин, шу ердан кўриниб туради. Бир яйраб сарёғли ширчойхўрлик қилсак. Тандирдан янги узилган, ушлаган қўлни куйдирадиган мойли патирни ширчойга тўғраб еган одам прама жаннатга тушади. Нима дейсизлар, жўралар?

— Билмадим, — деди полвон. — Бу ернинг қоидасини унчалик билмайман. Дўхтирлар кўнишармикан?

— Билдирмаймиз-да. Улар то ишга келгунча биз нонушта қилиб бўламиз. Ширчой саҳар пайтига ичилади. Тушундингизми, жўра?

Полвон яна гап Кўчқордан бошланмасин, деб дарров хўп, деди.

Ҳамро Очилнинг ҳовлиси катта, иморатлари ҳам раисчасига қурилган. Хоналари кенг, шифти баланд. Қандайдир патнисларга қараб чизилган гул, тарвуз, қушларнинг сувратлари билан бежалган эди. Хона жиҳозлари ночор эди. Биров ҳавас қилса бўладиган гиламу жавонлар йўқ. Бир китоб жавонида беш-ўнта пахта гулли пиёла билан тўртта чойнак бор эди.

Полвон кўп раисларнинг уйларида бўлган. Уларникида қимматбаҳо мебеллар, деворларда ҳам, оёқ остида ҳам эрону туркман гиламлари, япон, хитой, немис чиннилари токчаларда, жавонларда чақнаб кўзни оларди. Жалол полвон Ҳамро раиснинг завқи пастроқ экан, деган ўйга борди. Ё бўлмаса, кўп қиз узатгану ҳар тўйда қизлар уйни бўшатиб кетаверган, деб дилидан ўтказиб қўйди.

Ҳамро Очил унинг кўнглидан ўтаётган гапларни сезди.

— Ажабланяпсиз-а, полвон ако? Бу уйдаги қимматбаҳо буюмлар музейларда ҳам топилмасди. Бебаҳо чинниларнинг кўплигидан йўталсанг чинни овози ярим соат жаранглаб, хонада айланиб юрарди. Мен қамалганимда болаларим бир чеккадан сотиб ўша онангни... Кўчқорга оборіб беришипти, на гилам қопти, на чинни.

Полвон ҳеч бўлмаса шу ерда Кўчқорнинг номи тилга олинмас, деб ўйлаган эди. Йўқ, бўлмади.

Дастурхонга ажойиб неъматлар тортилган эди. Каттақўрғоннинг ушласа уқаланиб кетадиган пашмагидан тортиб, Бухоронинг машҳур ёғли ҳолвасигача, ҳар бири «Жигули»нинг ғилдирагидек ёғли патирлар...

Ҳовлида ҳеч ким йўқ.

— Келинлар, қизлар саҳарлаб бу таомларни тайёрлаб бирлари ишга, бирлари ўқишга кетишган.

Ёши олтмишларга бориб қолган озғин бир хотин патнисда тўрт чинни ширчой кўтариб кирди. Ҳамро Очил туриб патнисдаги чинниларни олиб дастурхонга қўйди. Шунда Жалол полвоннинг кўзи хотиннинг бармоғига тушди. Унинг ўнг қўлидаги ўрта бармоғи худди ипга осиб қўйгандек саланглаб турарди.

— Қани, ширчой совумасин. Патир қайноқлигида тўғранглар, мазаси бошқача бўларди-я, аммо буйракка аччиқ нарса тўғри келмайди-да.

Меҳмонлар ниҳоятда тотли ширчой билан овора бўлиб ҳеч биридан садо чиқмади. Ҳамро Очил жимликни бузди:

— Полвон ака, хотинимнинг бармоғини кўриб ҳайрон бўлдингиз-а? Бу ўша падарлаънат Кўчқор терговчининг иши. Мен уйланганимда онам раҳматли бармоқларидаги узукни чиқариб, келинга, болам бу узукни катта бувим таққанлар, у кишидан кейин мен таққанман, энди сиз тақинг, деб хотинимнинг ўрта бармоғига тақиб қўйган эдилар. Узукнинг иккита мошдек олмос кўзи бор эди. У пайтда хотиним озғин, бармоқлари ҳам қаламдек ингичка эди. Икки бола туққандан кейин эт қўйиб, семириб кетди. Бармоқлари ҳам йўғонлашиб қолди. У шу узукни қирқ йилдан ортиқ тақди. Аммо қўлидан қўймади. Тўнғичимни уйлантирганимизда хотиним, келиннинг бармоғига шу узукни тақиб қўймоқчи бўлди. Уввало уринди, бармоғидан чиқаролмади. Узук

5

гўштдор бармоғи териси орасида қолиб кетибди. Келинга Бухородан бошқа узук опкелиб бергандим. Мен қамалганимдан кейин ҳам аблаҳ Кўчқор терговчи уйни обис қипти. Келинларимнинг, қизларимнинг ҳамма тақинчоқларини опти. Хотинимнинг бармоғидаги узукка кўзи тушиб, шунча уринибди, чиқазолмапти. Охири узукни омбур билан қисиб бор кучи билан тортибди. Узук бармоқнинг терисини, гўштларини сидириб чиқибди. Бармоқ бўғинлари узилиб кетибди. Ҳозир кўрдингиз-ку, битта бармоғида жон йўқ, тўртта бармоқ орасида латтага ўхшаб осилиб қолган. Кир юволмайди, хамир қоролмайди, игна ушласа, жони йўқ бармоқ халақит беради.

Ғап нимадан бошланса охири Кўчқор билан тугарди. Жалол полвон Бухорога келганига пушаймонлар еди. Минг ўлиб, минг тирилди.

— Шу десангиз, — дея гапини давом эттирди Ҳамро Очил. — Эрта-индин пенсияга чиқсам, колхоз машинасини топширишим керак бўлади. Ҳар қалай ўттиз-қирқ йил машинада юрган одам пиёда қолмай, деб кенжамга битта «Волга» олиб бердим. Номер олдик. Правоси йўқ бола минибнетиб юрмасин, деб калитини хотинимга бериб қўйдим. Аблаҳ Кўчқор ҳали мойи артилмаган яп-янги машинани ҳам олиб кетибди. Илоё буюрмасин, илоё аварияга учраб, ўлиги хор бўлсин! Отаонаси тобути кетида фарёд уриб қолсин...

Жалол полвон дод деворай деди. Бирдан, кутилмаганда юрагига санчиқ кирди. Томири тўхтаб-тўхтаб ура бошлади. Ҳамро Очил юрак дориси борми, деб зўрға сўраёлди. Раис «ҳозир, ҳозир» деганича югуриб чиқиб кетди. Бир оздан кейин дори солинган қутичани кўтариб кирди.

— Хотинимнинг ҳам юраги хуруж қилиб туради. Манавуни тилингизнинг тагига ташлаб олинг, ҳозир ўтиб кетади. — У шундай деб полвонга валидол таблеткасини узатди.

— Чайнаманг, ўзи эриб кетсин, — деди Зулфиқор Гадоев.

Жалол полвон юрак оғриғи қандоқ бўлишини энди билди.

— Доктор чақирайликми? — деди Ихтиёр Камол.

— Йўқ, йўқ, ҳожати йўқ, ҳозир ўтиб кетади, — деди аранг ўзини тутиб полвон.

Полвонни палатага опкириб ўрнига ётқизиб қўйишди. Санчахон унинг қон босимини ўлчаб лабини тишлади.

— Сизга нима бўлли, қўзичоғим? Бирон нимадан диққат бўлдингизми?

Полвон бошини сарак-сарак қилди. Истат Фузайловна Санча ваҳима қиляпти, деб бошқатдан қон босимини ўлчади.

Полвонни доктор кўраётганда бошқалар ташқарига чиқиб туришган эди.

— Бу одамнинг ичи тўла дард. Сиз билан биздан кўра аламли кунларни кўрганга ўхшайди. Оғир, босиқ одам экан, ёрилиб дардини айтмаяпти.

— Сизга ҳаяжонланиш мумкин эмас. Кўрган яхши кунларингизни эсланг, — деди Истат Фузайловна.

— Дўхтир опа, энди менга жавоб берақолинг. Худога шукр, буйрагим дуруст бўлиб қолди. Юракни Тошкентда даволатсам ҳам бўлади.

Ойти бошини сарак-сарак қилди:

— Буйрак билан ҳазиллашманг. Ҳали тузалгани йўқ. Биласизми, буйрагингиз жойидан силжиган. То тузалмагунизча кетишни ўйламанг.

Полвон яна бирон ой туришга ҳам рози эди. Аммо шерикларининг гаплари унинг жон-жонидан ўтиб кетяпти. Эрталаб турибоқ бисмиллосига Кўчқорни падарлаънат, деб сўкишади. Кечқурун ётишда ҳам яна ўша гап. Бу гапларга қандоқ чидайди? Ўша аблаҳнинг падари менман, сиз оғизга олиб бўлмайдиган уят гаплар билан сўкаётган онаси менинг хотиним, деб айтолмасди.

— Зулфиқор Гадоев бундан икки ой олдин неварасини куёвга чиқазган эди. Эртага қуда чақириқ қилишяпти. Албатта, боринг. Кўпни кўриб дилингиз ёришади. Яна ўн марта томирингизга гимодез юборсак, кўрмагандек бўлиб кетасиз. Энди аравачадан тушинг. Пиёда юринг. Аммо оёқни ерга зарб билан ташламанг. Сувда сузгандек белга оғир келмайдиган қилиб юринг.

Полвон лом-мим деёлмай қолди. Тани бошқа дард билмас экан. Агар эшитаётган юзлаб ҳақоратларининг биттасини у эшитганда эди, ҳовли ўртасида сочини ёзиб дод дерди. Билмайди-да. Буни полвоннинг ўзидан бошқа ҳеч ким билмайди. Энди буёғига Полвон кўзим кўр, қулоғим кар деб яшашга мажбур. Қийин, жуда қийин бундоқ қилиш. На илож!

Эрталаб нонуштадан чиқиб бир стакандан булоқ суви ичиб, кундалик насиба — укол еб шийпончада ўтиришган эди, Зулфиқорнинг ўғли келиб машинада олиб кетди.

Ойтимулло кўпни кўриб дилингиз ёзилади, деганди. Қаёқда, меҳмонлар учун дастурхон тайёрланган хонага қадам босишлари билан полвонни электр токи ургандек бўлди. Кўзлари тиниб боши айланди.

Девордаги қип-қизил чўғдек эрон гилами ўртасида илиб қўйилган заррин рамкада ниҳоятда кўҳлик аёл кишининг катталаштирилган фотосуратини кўргандаёқ Полвоннинг ранги ўчди. Сувратдаги аёлнинг қулоғида келини Гуландом тақиб юрган зиракни кўрди. Полвон Гуландомнинг қулоғидан олиб, салмоқлаб кўриб тақма, азадор хотинсан, олиб қўй, деган эди ўшанда.

— Бу кимнинг суврати? — деб сўради полвон Ихтиёр Камолдан.

Ихтиёр қўлтиқтаёғини деворга суяб, стул томон интилар экан, мувозанатини йўқотиб ёнбошга оға бошлади. Полвон ушлаб қолмаганда йиқилиши аниқ эди.

— Ҳозир сўраманг, полвон ака, кейин айтаман, бу аёл ўзига ўт қўйган.

Кўчадан қўш машинанинг кетма-кет сигнали эшитилди. Болаларнинг бақириқ-чақириқлари бошланди. Бундай пайтларда болаларга худо берарди. Куда тараф, албатта, болаларга турли совғалар олиб келишади. Бирига жевачка, бирига шоколад, бирига сувотар тўппонча тарқатадилар.

Аввал аёл кудалар ҳовлига киришди. Зулфиқорнинг хотини уларнинг оёғи тагига оқ сурп пояндоз ёзди. Келинлик либосида ял-ял ёниб кирган неварасини бағрига босиб, кўзёш қилиб олди. Зулфиқор эркак кудаларга ҳам худди шунақа оқ сурп пояндоз тўшади. У олдига келиб бош эгиб турган невараси Бахшанда келинчакнинг пешонасидан ўпиб, бахтли бўл, болам, борган жойингда палак отиб, ували-жували бўл, деб елкасини силаб қўйди. — Энди даданг билан кўриш.

Бахшанда ўрик тагида ўпкаси тўлиб, ҳиқиллаб турган дадаси олдига борди. Дадаси қирқ беш ёшлардаги жиккак, кўзлари чақнаб турган чиройли киши эди. Бахшанда юзидан тўр пардани олиб дадасининг бўйнига осилди. Болалик пайтларидагидек, худди биров ота бағридан тортиб олмоқчи бўлаётгандек ёпишиб олганди.

— Онанг раҳматли кўрмади бу кунларни, — деди у боласининг бошларини, елкаларини силаб.

У ўзини тутишга уринарди. Аммо унинг иродасидан ҳаяжони зўрлик қилди. Йиғлаб юборди.

Кузатиб турганлар ҳам қаттиқ ҳаяжонда эдилар. Охири бувиси келиб Бахшандани отаси бағридан, бўлди, бўлди, духтарим, бас энди, дея олиб кетди.

Аёлларни ҳовли этагидаги хонага, эркакларни кираверишдаги меҳмонхонага олиб киришди. Дастурхонга қуюқ-суюқ тортилди. Зулфиқорнинг кенжа ўғли хокандозда исириқ тутатиб чиқиб кетди. Ўтирганлар баҳоли қудрат бири юз сўмлик, бири эллик сўмлик узатдилар. Удум шунақа, исириқ тутатган одамга албатта пул бериш керак.

(Давоми бор)

6

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

Республика Кўчмас мулк биржаси Сиз азизларни 1999 йил 26 май куни соат 11⁰⁰да республика Биржалар марказида ўтказиладиган навбатдаги

КИМОШДИ

савдосига таклиф этади

Савдога қуйидаги мулклар қўйилмоқда:

1. Самарқанд вилояти, Ургут шаҳрида жойлашган 79 сонли АЁҚШ.

Бошланғич баҳоси — 2 206,6 минг сўм

2. Жиззах вилояти, Ғаллаорол тумани, Йўлдошев номли қўрғонда жойлашган 17 сонли АЁҚШ.

Бошланғич баҳоси — 3 338,8 минг сўм.

3. Наманган вилояти, Поп тумани, «Чиғаноқ» қўрғонида жойлашган 71 сонли АЁҚШ.

Бошланғич баҳоси — 6543,15 минг сўм.

4. Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, «Чимкент» трактида жойлашган 2 сонли АЁҚШ.

Бошланғич баҳоси — 11 987,9 минг сўм.

5. Самарқанд вилояти, Челак тумани, Ярлақобов номли жамоа хўжалигида жойлашган 49 сонли АЁҚШ.

Бошланғич баҳоси — 2 800,7 минг сўм.

6. Самарқанд вилояти, Пахтачи тумани, «Қарнабота» номли жамоа хўжалигида жойлашган 76 сонли АЁҚШ.

Бошланғич баҳоси — 678 минг 050 сўм.

Шунингдек, «Кулол» ҳиссадорлик жамияти, «Сув қурилиши» қурилиш-монтаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг 76-кўчма механизациялашган жамланмаси, «Шоҳруҳ» ҳиссадорлик жамияти, «Ўзсаноатхўжаликқурилиш» корпорациясининг бош хўжалик бошқармасига қарашли қуйидаги автотранспорт воситалари ҳам қўйилмоқда.

1. «ЖУК-А-06» русумли, давлат рақами 37-04 ТШН бўлган, 1987 йилда ишлаб чиқарилган автомашина.

Бошланғич баҳоси — 170,0 минг сўм.

2. «ГАЗ-5312» русумли (автоцистерна), давлат рақами 94-52 ТШН бўлган, 1988 йилда ишлаб чиқарилган автомашина.

Бошланғич баҳоси — 220,0 минг сўм.

3. «ГАЗ-5307» русумли (автоцистерна), давлат рақами 38-40 ТШР бўлган, 1987 йилда ишлаб чиқарилган автомашина.

Бошланғич баҳоси — 180,0 минг сўм.

4. Жигули «ВАЗ-21063» русумли, давлат рақами 94-28 ТША бўлган, 1987 йилда ишлаб чиқарилган автомашина.

Бошланғич баҳоси — 135,0 минг сўм.

5. «ЗИЛ-431412» русумли (автокран), давлат рақами 66-89 ТШМ бўлган, 1989 йилда ишлаб чиқарилган автомашина.

Бошланғич баҳоси —226,0 минг сўм.

6. «ЖИП» «Изуси Трупер» русумли, давлат рақами 02-59 ТШО бўлган, 1985 йилда ишлаб чиқарилган автомашина.

Бошланғич баҳоси — 114,0 минг сўм.

7. «ЗИЛ 4502» русумли, давлат рақами 94-53 ТШН бўлган, 1983 йилда ишлаб чиқарилган автомашина.

Бошланғич баҳоси — 380,0 минг сўм.

8. «Москвич-412 ИЭ» русумли, давлат рақами 92-79 ТША бўлган, 1991 йилда ишлаб чиқарилган автомашина.

Бошланғич баҳоси — 97,0 минг сўм.

9. Волга «ГАЗ-31029» русумли, давлат рақами 03-50 ТШВ бўлган, 1992 йилда ишлаб чиқарилган автомашина.

Бошланғич баҳоси — 450,0 минг сўм.

10. «МАЗ-64229» (тягач) русумли, давлат рақами 00-53 СРО бўлган, 1990 йилда ишлаб чиқарилган автомашина.

Бошланғич баҳоси — 414,0 минг сўм.

11. «ОДАЗ-9786» русумли (ярим прицеп рефрижиратор), давлат рақами 40-30 ТН бўлган, 1988 йилда ишлаб чиқарилган автомашина.

Бошланғич баҳоси — 290,0 минг сўм.

12. «ГАЗ-5312» русумли (автоцистерна), давлат рақами 34-21 ТШР бўлган, 1991 йилда ишлаб чиқарилган автомашина.

Бошланғич баҳоси — 330,0 минг сўм.

13. «ГАЗ-5205» русумли, давлат рақами 96-03 ТНА бўлган, 1984 йилда ишлаб чиқарилган автомашина.

Бошланғич баҳоси — 195,0 минг сўм.

14. «ММЗ-4502» русумли, давлат рақами 56-41 ТНП бўлган 1978 йилда ишлаб чиқарилган автомашина.

Бошланғич баҳоси — 173,0 минг сўм.

15. «ГАЗ-5201» русумли (авторемлетучка), давлат рақами 45-46 ТНЛ бўлган, 1984 йилда ишлаб чиқарилган автомашина.

Бошланғич баҳоси — 260,0 минг сўм.

16. «ДАМАС» ДЭУ русумли, давлат рақами Т 24-16 бўлган, 1996 йилда ишлаб чиқарилган автомашина.

Бошланғич баҳоси — 470,0 минг сўм.

Мазкур автомобилларга ёнилғи қуйиш шаҳобчалари ва автотранспорт воситаларига қизиқиши бор ишбилармон ва тадбиркор юртдошларимиз, хорижлик сармоядорлар республика Кўчмас мулк биржасига мурожаат қилишлари мумкин.

Манзилимиз:
Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 10-уй.
Ўзбекистон Биржалар маркази биноси, 3-қават, 29-хона.
Телефонлар: 136-15-29, 136-28-75.
Ички: 153, 162.
Факс: 136-26-26.

ХАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

ДУШАНБА 17

«Ўзбекистон» телеканали

6.30 «Ассалом ,Ўзбекистон!»
8.00-8.40 «Таҳлилнома».
*
8.40 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Номаълум Қизил-қум», «Афросиёб».
9.15 «Узлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
9.40 «Мусиқий саёҳат».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 Кино янгиликлари.
10.20 «Ўзбек киноси ижодкорлари».
10.40 Кундузги сеанс: «Сўнгги найранг». Бадиий фильм.
12.05 Ўзбекистон телерадиокомпанияси камер оркестрининг концерти.
12.30 «Ерти қулоқ ва ялқовлар». Мультфильм.
12.40 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
13.00 «Оталар чойхонаси». Мусиқий-дам олиш дастури.
14.10-14.30 «Санъат олами».
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. «Дарсдан сўнг».
18.25 «ТВ патруль».
18.35 «Севги сурури». Мусиқий дастур.
19.05 «Тафсилот».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Биржа ва банк хабарлари.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Ўзбек халқи бағри кенг, кечиримли халқ». Ҳужжатли видеофильм.
22.05 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: А. Қодирий «Мехробдан чаён». Кўп қисмли видеофильм. 14-қисм.
22.50 «Диёр мадҳи». Концерт.
23.20 «Ахборот».
23.50 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 47-қисм.
00.40-00.45 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR TELEKANALI

18.00 Кўрсатувлар дастури
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади. («Мучал тўйи», Мультомоша»)
18.40 «Ақл ёшдамас».
18.55 «Мусиқий лаҳза».
19.00 «Даар». Ахборот дастури.
19.30 «Ёшлар» телеканалида.
19.35 «Сурур». Мусиқий дастур.
19.50, 20.20, 23.05-Эълонлар.
19.55 «Рей Брэдбери театри». Телесериал.
20.25 «Жаҳон». Халқаро шарҳ.
20.45 «Кўнгил наволари». Мусиқий дастур.
21.00 «Давр». Ахборот дастури.
21.30 «Душанбада қўришгунча».
21.45 «Ҳудуд». Олмалиқ шаҳри.
22.15 «Кулгига нима етсин».
22.25 «Шарқ эстрадаси».
22.40 «Олам футболи».
23.00 «Ёшлар» телеканалида.
23.10 Синема. «20 минг лье чуқурликда» 1-қисм.
00.40 Спорт-китъаси.
01.10 «Хайрли тун!»

ТТВ

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
18.10 «Ёрилтош» Мульттўплам.
18.25 «Сен ҳақингда ва сен учун».
18.40 «2000 йилдан сўнг». Телесериал.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Бурч ва масъулият».
20.20 «Телефакт».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Спорт-тайм».
21.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
21.45 «Бумеранг».
22.10 «Талабларга биноан».
22.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
22.45 «Морена Клара». Телесериал.
23.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
23.45 Оҳанглар ва эълонлар.
23.55 Саргузашт фильмлар экрани.
01.30 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«Халқаро» телеканали

14.00-15.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.
15.05 Кўрсатувлар тартиби.
15.10 «СНН. Жаҳон янгиликлари» (инглиз тилида)
15.40 «Дурдаршан».
16.00 «Севги йўлида». Сериал.
17.00 «Вақт хазинасидан».
17.20 «Футбол шарҳи».
17.45 «Мультчархпалак». Ака-ука Гримм эртаклари. «Чархпалакнинг эгаси».
18.00 «Уорлднет» янгиликлари.
*
Россия жамоат телевидениеси.
18.10 Душанба куни Познер билан. «Биз» дастури.
18.50 «Сегун». Сериал.
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.35 Мерос. «Жан Кристофф». Телесериал.
21.25 «Оламда нима гап?» Ахборот кўрсатуви.
21.30 «Спорт клуб».
21.45 «Замонавий дизайн».
22.00 «Вести».
22.30 Киносеанс: «Жаллод». Бадиий фильм. 1-серия.
23.45 «Ахборот» (рус тилида)
00.10 Тунингиз осуда бўлсин.

СЕШАНБА 18

«Ўзбекистон» телеканали

6.30 «Ассалом ,Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
*
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.45 Дуторчилар ансамблининг концерти.
9.10 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал. 47-қисм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 Янги алифбони ўрганамиз.
10.25 Кундузги сеанс: «Мовий тоғлар ёки ҳақиқатдан узоқ воқеа». Бадиий фильм.
12.05 «Қишлоқ ҳақида ўйлар».
12.25 «Кундуз амакининг қиссалари». Мультсериал.
12.40 «Ўзбекистон бастакорлари». Мусиқий дастур.
13.15 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: А.Қодирий. «Мехробдан чаён». Кўп қисмли видеофильм. 14-қисм.
14.10-14.25 «Озода бўлса шаҳринг».
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Аралаш». Ҳажвий киножурнал.
18.25 «Шу Ватанга бордур менинг керагим».
18.45 «Парламент соати».
19.05 «Бинокор».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Бахмал». Премьера.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Евуз қулфат изидан». Ҳужжатли видеофильм.
21.45 Олтин мерос. «Насруллоий».
22.20 ЎзТВ экранида биринчи марта «Индаба». Кўп қисмли бадиий фильм. 13-14 сериялар.
«Тунги ҳамроҳ».
23.10 «Соғинчли салом».
23.35 «Ёшлар ва эстрада».
24.00 «Ахборот».
00.30-00.35 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR TELEKANALI

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари».
Телесериал. 47-қисм.
19.00 «Даар». Ахборот дастури.
19.30 «Ёшлар» телеканалида.
19.35 «Солиқ ҳақида сабоқлар».
19.50, 20.20, 23.00-Эълонлар.
19.55 «Рей Брэдбери театри». Телесериал.
20.25 «Ғазал соғинчи».
20.45 «Мусиқий лаҳза»
20.55 «Ёшлар» телеканалида.
21.00 «Даар». Ахборот дастури.
21.30 «Мусиқий лаҳза».
21.35 «Камолот».
21.55 «Парламент».
22.10 «Муносабат».
22.30 «Мусиқий майдонча».
22 55 «Ёшлар» телеканалида.
23.05 Синема. «20 минг лье чуқурликда». 2-қисм.
00.35 «Хайрли тун!»

ТТВ

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
18.10 «Ёрилтош» Мультўплам.
18.30 «Сен ҳақингда ва сен учун».
18.40 «2000 йилдан сўнг». Телесериал.
19.25, 19.55 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Туризм ҳақида». Ҳафталик шарҳ.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Долзарб мавзу».
21.20 Мусиқий йўлка.
21.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
21.45 «Ёшлар ҳудуди».
22.10 Спорт оламида.
22.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
22.45 «Морена Клара». Телесериал.
23.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
23.45 Оҳанглар ва эълонлар.
23.55 «Кинонигоҳ».
01.30 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«Халқаро» телеканали

Россия жамоат телевидениеси
6:30-8:00
*
14:00-15:05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.
15.05 Кўрсатувлар тартиби.
15.10 СНН. «Жаҳон янгиликлари» (инглиз тилида)
15.40 «Бинафша».
16.00 «Севги йўлида». Телесериал.
17.00 «Жонли сайёра».
17.15 «Куйини топинг».
17.45 «Мультчархпалак». Ака-ука Гримм эртаклари. «Қабр дараси». 1-серия.
18.00 «Уорлднет» янгиликлари.
*
Россия жамоат телевидениеси.
18.05 «Мавзу».
18.50 «Сегун». Сериал.
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.35 Мерос. «Жан Кристофф». Телесериал.
21.25 «Оламда нима гап?» Ахборот кўрсатуви.
21.30 «Сиз кутган учрашув».
21.45 «ТВ-4 да Немис тўлқини».
22.00 «Вести».
22.30 Киносеанс: «Жаллод». Бадиий фильм. 2-серия.
00.00 «Тошкент таровати». Телефильм.
00.10 «Ахборот» (рус тилида)
00.35 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ЧОРШАНБА 19

«Ўзбекистон» телеканали

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
8.30 «Шарқ тароналари». II Халқаро мусиқа фестивали олдидан.
9.00 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Қанотлар остида-бутун бир дунё».
9.20 «Остонаси тиллодан». Адабий кўрсатув.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Маслак ва мақсад».
10.25 Кундузги сеанс: «Маринка, Янка ва қирол қасрининг сири». Бадиий фильм.
11.40 «Талаб ва таклиф».
12.05 «Кундуз амакининг қиссалари». Мультсериал.
12.20 «Шоирлар болаларга».
12.45 «Аёл қалби наволари». Мусиқий дастур.
13.10 -14.00 «Индаба». Кўп қисмли бадиий фильм. 13-14 сериялар.
***
15.55 Кўрсатувлар тартиби.
16.00 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Бухоро» — «Нефтчи», «Насаф» — «Навбаҳор».
17.30 Болалар учун. «Гулғунчалар».
18.10 «Қалб минбари».
18.30 «Сиҳат-саломатлик».
18.50 Эстрада тароналари.
19.05 «Фермер». Телетанлов.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Таълим-тарбия миллий дастури амалда».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Офат ва оқибат». Ҳужжатли видеофильм.
21.40 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: А. Қодирий «Мехробдан чаён». Кўп қисмли видеофильм. 15-қисм.
22.30 «Қўшиққа кўчган сатрлар». А.Пўлат.
23.05 Футбол майдонларида.
23.20 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 48-қисм.
00.10 «Ахборот».
00.40-00.45 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR TELEKANALI

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади. («Билогон маслаҳати», Мульттомоша)
18.45 «Семург». Ўсмирлар учун кунгилочар дастури.
19.00 «Даар». Ахборот дастури.
19.30 «Дил рози». Мусиқий дастур.
19.40 «Ракурс».
20.00 «Спорт-лотто».
20.10 «Лаззат».
21.30, 23.00-Эълонлар.
20.30 «Спектаклдан сўнг».
20.50 «Каталог».
21.00 «Даар». Ахборот дастури.
21.30 «Ёшлар» телеканалида.
21.35 «Танишинг: «Жозиба» гуруҳи».
21.50 «Эркин фикр».
22.10 «Мусиқий лаҳза».
22.15 «Авторейд».
22.25 «Ўзбек мумтоз шеъриятидан».
22.30 «Олис сафарлар иштиёқида». Германия музейи.
22.50 «Ёшлар» телеканалида.
23.00 Синема. «Бермуд учбурчагидаги сир».
00.10 «Хит-коллекция».
00.30 «Хайрли тун!»

ТТВ

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
18.10 «Болалар олами».
18.25 «2000 йилдан сўнг». Телесериал.
19.10 «Дардингизга даво...».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «ТВ ва театр».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Армуғон». Эстрада куйларидан концерт.
21.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
21.45 «Яхши кайфият».
22.10 «Нафосатга бағишида умр». Телефильм.
22.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
22.45 «Морена Клара». Телесериал.
23.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
23.45 «Жаҳон спорти».
24.00 Оҳанглар ва эълонлар.
00.10 «Гулистондан жудо». Бадиий фильм. 1-серия.
01.35 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«Халқаро» телеканали

Россия жамоат телевидениеси
6.30-8.00
*
14.00-15.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.
15.05 Кўрсатувлар тартиби.
15.10 «СНН.Жаҳон янгиликлари»(инглиз тилида).
15.40 «Дил изҳори».
16.00 «Севги йўлида». Сериал.
17.00 «ТВ-4 да немис тўлқини».
17.15 «Куйини топинг».
17.45 «Мультчархпалак». Ака-ука Гримм эртаклари. «Кўк сокол». 1-серия.
18.00 «Уорлднет» янгиликлари.
*
Россия жамоат телевидениеси.
18.10 Роман Карцев Эльдар Рязанов дастурида.
18.50 «Сегун». Сериал.
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.35 Мерос .»Жан Кристофф». Телесериал.
21.25 «Оламда нима гап?» Ахборот кўрсатуви.
21.30 «СНН -шоу»
21.40 «Кино сайёраси».
22.00 «Вести».
22.30 Кинематограф: Аль Пачино «Шайтон адвокати» фильмида.
00.30 «Ахборот» (рус тилида) 00.55 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ЖУМА 21

«Ўзбекистон» телеканали

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
*
8.30 «Рақслар гулдастаси».
8.55 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Қуёш шаҳри — Паркент».
9.05 «Хикматлар ҳазинаси».
9.20 «Ишкнома». Адабий кўрсатув.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 Немис тили.
10.35 «Сомон йўли».
11.05 Байдарка ва каноэ бўйича Ўзбекистон чемпионати.
11.25 «Меҳр қолуғ».
«Умид» намойиш этади:
11.40 «Кичкинтой устахонаси».
12.05 «Талабалар саҳнасида».
12.50 «Маҳалламиз болалари». Телемусобақа.
*
13.40 «Бир наво истар кўнгил». Мусиқий дастур.
14.10 «Индаба». Кўп қисмли бадиий фильм. 15-16-сериялар.
15.00-15.20 Шарқ тароналари.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. «Бир сиқим тупроқ».
18.25 «Адолат». Ҳуқуқий публицистик кўрсатув.
18.45 «Куйла, ёшлигим». Мусиқий дастур.
19.05 «Имконият».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.55 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Рақибингиз — гроссмейстер».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Истиқлолим-истиқболим».
21.25 «Севгилим сени излаб». О. Мадалиев.
22.00 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Ёмғирли оқшом». Қисқа метражли бадиий фильм премьераси.
22.40 «Битик».
23.05 «Ахборот».
23.35 «Ўнта негр боласи». Бадиий фильм. 1-2 сериялар
01.40-01.45 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR TELEKANALI

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади. («Китоб жавони», Мульттомоша)
18.40 «Ёшлар ва маънавият».
18.55 Мусиқий лаҳза.
19.00 «Даар». Ахборот дастури.
19.30 «Ёшлар» телеканалида».
19.35 «Далил ва шарҳ».
19.50 «Мусиқий лаҳза».
19.55, 20,25, 22.45-Эълонлар.
20.00 «Рей Брэдбери театри». Телесериал.
20.30 «Талабалар шаҳарчаси».
20.45 «Наволарда аён этсам». Мусиқий дастур.
21.00 «Даар». Ахборот дастури.
21.30 «Ёшлар» телеканалида.
21.35 «Автосалтанат».
21.50 «Мутахассис».
22.05 «Спорт ҳафтаномаси».
22.25 «Жаҳон эстрадаси».
22.40 «Ёшлар» телеканалида.
22.50 Синема. «Тунги назорат».
00.20 «Мунаввар тонг истаб».

ТТВ

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Ёрилтош». Мультўплам.
9.20 Кўнгил тароналари.
9.40 Болажонлар экрани.
11.10 «Спорт оламида».
11.30 «Туризм ҳақида». Ҳафталик шарҳ.
12.00 «Саодат калити».
12.20 «Мусиқий меҳмонхона».
12.50 «Кинонигоҳ».
14.30-14.55 «Ёшлар ҳудуди».
***
17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
18.10 «Ёрилтош». Мультўплам.
18.30 «2000 йилдан сўнг». Телесериал.
19.15 Ёқимли оҳанглар.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Ракслар жилоси».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Жума оқшомида».
21.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
21.45 «Фаровонлик бекати».
22.05 «Гиннес-шоу».
22.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
22.45 «Морена Клара». Телесериал.
23.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
23.45 Ҳар жумада.
23.50 «Тунчироқ». Дам олиш дастури.
00.20 Оҳанглар ва Эълонлар.
00.30 «Кинонигоҳ» .
02.10 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«Халқаро» телеканали

Россия жамоат телевидениеси
6.30-8.00
*
14.00-15.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.
15.05 Кўрсатувлар тартиби.
15.10 «СНН. Жаҳон янгиликлари». (инглиз тилида)
15.40 «Сиз кутган учрашув».
16.00 «Севги йўлида». Сериал.
17.00 «СНН- шоу»
17.15 «Джентельмен-шоу».
17.45 «Мультчархпалак». Ака-ука Гримм эртаклари. «Кўк сокол». 2-серия.
18.00 «Уорлднет» янгиликлари.
18.10 Клип-антракт
*
Россия жамоат телевидениеси
18.15 «Сиҳат-саломат».
18.45 «Мўъжизалар майдони».
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.35 Мерос «Жан Кристофф».Телесериал.
21.25 «Оламда нима гап?». Ахборот кўрсатуви.
21.30 «Дурдаршан».
22.00 «Вести».
22.30 Кинонинг олтин асри: Элизабет Тейлор «Дарз кетган ойна» фильмида.
01.10 «Ахборот» (рус тилида)
01.35 Тунингиз осуда бўлсин!

ШАНБА 22

«Ўзбекистон» телеканали

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
*
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.50 «Мусиқа бўстони». Телеальманах.
9.10 «Ҳидоят сари».
9.35 «Тадбиркорлик: бугун ва эртага».
«Умид» намойиш этади:
9.55 «Кўзгу «.
10.25 «Муҳаббат дарси».
10.55 «Оромгоҳлар мавсумга шайми?» Бевосита мулоқот.
*
11.55 «Етгил камолга». Спорт дастури.
12.10 Кундузги сеанс: «Аёллар тангоси». Бадиий фильм.
13.35 «Мен нечун севаман Ўзбекистонни». Публицистик кўрсатув.
14.10 «Тасвирга кўчган кўнгил».
14.30 Вилоят хонандалари куйлайди.
15.00 «Ўзбекистон спортининг нуфузи».
15.15-15.45 «Сиртқи телевизион олимпиада».
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Ҳа, ҳа, ҳа...». Ҳазил, ҳажв, ҳангома.
18.25 «Иқтисод ва биз».
18.50 «Бахтли вокеа».
19.25, 20.25, 21.00 ЭЪЛОНЛАР.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
19.55 Оқшом эртаклари.
20.10 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.20 «Жаҳон спорти».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи».
22.05 «Олам қўшиққа тўлсин». Мусиқий дастур.
22.40 «Халқнинг кўнгли».
23.00 «Куй ва тасвир».
23.20 «Ахборот».
«Тунги ёғду»
Дам олиш дастури:
23.50 «Садоқат». Бадиий фильм.1-серия.
01.10-01.15 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR TELEKANALI

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Янги авлод» студияси намойиш этади («Мучал тўйи», «Билоғон маслаҳати», «Мульттомоша»)
9.50 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари».Телесериал. 47-қисм.
10.45 «Ақл ёшдамас».
11.00 «Ёшлар» телеканалида.
11.05 «Сурур». Мусиқий дастур.
11.20 «Ракурс».
11.45 «Мусиқий лаҳза».
11.50 «Дилбарим».
12.10 «Спектаклдан сўнг».
12.30 «Рамаяна». Телесериал.
13.05 «Сир».
13.25 «Сиз севган «Хўжа» гуруҳи».
13.45 «Ҳудуд». Олмалиқ шаҳри.
14.15 Кулгига нима етсин?
14.25 «Мунисам».
14.45 «Очун». Буюк Ипак йўлларида.
15.10 «Кунг-фу тарихи». Телесериал.
15.55 Шарқ эстрадаси.
16.10 Синема.
17.40 «Хит-коллекция».
***
18.00 «Янги авлод» студияси намойиш этади («Бўш ўтирма», Мульттомоша)
18.40 «Мафтункор чехралар».
18.55 Ўзбек мумтоз шеъриятидан.
19.00 «Даар». Ахборот дастури.
19.30 «Ёшлар» телеканалида.
19.35 «Мусиқий лаҳза».
19.40 «Матбуот».
19.55, 20.35, 23.40-Эълонлар.
20.00 «Рамаяна». Телесериал.
20.40 «Бизнес-академия».
20.55 «Мусиқий лаҳза».
21.00 «Даар». Ахборот дастур.
21.30 «Ёшлар» телеканалида.
21.35 «Мусиқа теграсида».
21.55 «Туйғу».
22.15 «Ёр ишқи». Мусиқий дастур.
22.25 «Ширин орзулар».
22.45 «Хуш келибсиз».
23.05 Кўнгил кўнгилга пайванд.
23.35 «Ёшлар» телеканалида.
23.45 Синема. «Тақдир ибодатхонаси».
01.20 «Хайрли тун!»

ТТВ

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Пойтахт тонги».
9.30 «Ёрилтош». Мультўплам.
9.50 «Сансет Бичнинг муҳаббати ва сирлари». Телесериал.
10.35 «Ҳамшаҳарлар».
11.00 Болажонлар экрани.
12.35 «Таянч».
12.55 «Бева Бланка». Телесериал.
13.40 «Ер курраси».
14.00 «Дўстлик» видеоканали: «Чинсэн», «Бизнен мерас».
14.45 «Онагинам».
15.10-16.50 «Кинонигоҳ».
*
17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Ёрилтош». Мультўплам.
18.15 «Мисли гавҳар».
18.30 «Яхши, ёмон йигитлар». Телесериал.
19.15 Мусиқий дақиқалар.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Юртим жамоли».
20.20 «Етти иқлим оҳанглари».
20.30 «Ахборот».
21.05 XXI аср авлодлари. «Ёшлар кўчасида».
21.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
21.45 «Муаллиф».
22.15 Катталар учун эртак.
22.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
22.45 «Даллас». Телесериал.
23.30 «Тунги пойтахт». Информацион дам олиш дастури.
00.05 Оҳанглар ва эълонлар.
00.15 «Кинонигоҳ».
01.55 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«Халқаро» телеканали

9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «Кино сайёраси».
9.25 Кинематограф: «Шайтон адвокати». Бадиий фильм.
11.25 «Жонли сайёра».
11.40-12.25 «Биргаликда куйлаймиз».
* * *
16:00-17:15 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 «Бинафша».
17.40 «Жонли тил».
*
Россия жамоат телевидениеси.
18.10 Кумуш серия. Луи де Фюнес «Нью-Йоркдаги жандарм» комедиясида.
20.00 «Время».
20.35 «Махфий хужжатлар». Сериал.
22.15 «Аёллар сафари». Шоу дастур.
22.45 «Дил изҳори».
22.55 Кинематограф: «Башорат». Бадиий фильм.
00.40 «Ахборот» (рус тилида)
01.05 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ЯКШАНБА 23

«Ўзбекистон» телеканали

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
*
8.30 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
9.15 «Гаройибот».
9.30 «Бўстон». Тележурнал.
«Умид» намойиш этади:
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Талабалик йилларим».
11.20 «Нурли келажак».
*
11.40 «Кино ва томошабин».
11.50 «Шоҳруҳ клуби».
12.20 «Анъаналар этади давом». Мусиқий дастур.
12.50 «Мозийдан бир мўъжиза».
13.05 «Нафосат». Тележурнал.
13.20 «Ринг».
14.05 Кундузги сеанс. «Ўрдак кўл воқеаси». Бадиий фильм.
15.10-15.30 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
*
16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 Футбол. Ўзбекистон чемпионати «Пахтакор» — «Бухоро». «Пахтакор» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — «Аралаш». Ҳажвий киножурнал.
18.55 «Узлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
19.25, 20.00, 20.25, 21.10, ЭЪЛОНЛАР.
19.30 «Таҳлилнома» (рус тилида)
20.05 «Оламга саёҳат».
20.30 «Таҳлилнома».
21.15 «Якшанба оқшомида». Мусиқий дам олиш дастури.
21.55 «Телевизион миниатюралар театри».
22.30 «ТВ-1 намойиш этади». Телеанонс.
«Аср мўъжизаси». Кинодастури.
22.45 Кино янгиликлари.
23.00 «Жаҳон киноси юлдузлари».
23.20 «Садоқат». Бадиий фильм. 2-серия.
00.40-00.45 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR TELEKANALI

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Янги авлод» студияси намойиш этади. («Жажжи гўзал», Мульттомоша).
9.50 «Бизнес-академия».
10.10 «Қалбим ардоғи». Мусиқий дастур.
10.20 «Инглиз тили Сиз учун».
10.45 «Ёшлар» телеканалида.
10.50 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари».
Телесериал. 48-қисм.
11.45 «Лаззат».
12.05 «Сиз севган хонанда: Умида Мирҳамидова».
12.25 «Рамаяна». Телесериал.
13.00 «Синфдош».
13.30 «Цирк, цирк, цирк».
13.50 «Мутойиба».
14.15 «Муносабат».
14.35 «Ўзбек мумтоз шеъриятидан».
14.40 «Бегойим».
15.05 «Обид-шоу».
15.50 «Ўзбекистон қанотлари».
16.00 Синема.
17.25 «Наволарда аён этсам». Мусиқий дастур.
***
17.40 «Жараён».
18.00 «Дунё ҳафта ичида».
18.20 «Янги авлод» студияси намойиш этади («Катта танаффус»)
18.55 «Мусиқий лаҳза».
19.00 «Даар». Ахборот дастури.
19.30, 20.05, 23.20-Эълонлар.
19.35 «Рамаяна». Телесериал.
20.10 «Бахс».
20.40 «Бари хазил».
20.50 «Ёшлар куйлайди».
20.55 «Каталог».
21.00 «Даар». Ахборот дастури.
21.30 «Ёшлар» телеканалида.
21.35 XXI аср сари «Садо-99» профессионал қўшиқчилар кўрик танлови.
22.50 «Чироқи ёниқ уй».
23.10 «Ёшлар» телеканалида.
23.20 Синема. «Елғончи». Комедия.
00.45 «Ўзбек мумтоз шеъриятидан».
00.50 «Хайрли тун!»

ТТВ

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Пойтахт тонги».
9.30 «Спорткент».
9.45 «Сансет Бичнинг муҳаббати ва сирлари». Телесериал.
10.30 «Ишдаги ишқ ёки...».
11.00 Театр билан учрашув.
1. Камертон.
2. «Башорат». Мукимий номидаги Ўзбек Давлат мусиқий театр спектакли.
13.25 «Бева Бланка». Телесериал.
14.10 «Етти иқлим оҳанглари».
14.20 Болажонлар экрани
15.35 «Ватан муқаддас саждагоҳдир».
15.55 Такрорий фильмлар экрани.
17.35 «Жозиба».
*
17.55 «Якшанбадан якшанбагача».
18.10 «Ёрилтош». Мультўплам.
18.30 «Эл аро инсон азиз». Уста Ширин Муродов.
18.50 XXI аср авлодлари. «Дунё ёшлари».
19.15 «Табриклаймиз, қутлаймиз».
19.25, 20.00, 20.25, 21.10 Эълонлар.
19.30 «Таҳлилнома» (рус тилида)
20.05 «Бир аёл тарихи».
20.30 «Таҳлилнома».
21.15 «Якшанбадан якшанбагача».
21.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
21.50 «Даллас» Телесериал
22.40 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
23.00 «Тошкент оқшоми». Телешоу.
23.35 «Мўъжизасиз мўъжизалар». Дэвид Копперфильд.
00.05-00.35 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«Халқаро» телеканали

9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «Эртакларнинг сеҳрли олами».
10.25 «Парле ву франсэ?».
10.50 «Ўзбекистон янгиликлари». (инглиз тилида).
11.00 «Оскар» мукофоти совриндорлари». 1974 йил.
11.20 Кинематограф:«Фирибгарлик» .Бадиий фильм.
13.20 «Фан-тайм» (Болалар учун инглиз тили).
13.30 «Тенгдошлар».
13.50-14.35 «Дўстлик» видеоканали:»Дидар», «Айчурек».
* * *
15.45-16.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
16.45 Кўрсатувлар тартиби.
16.50 «Мюзик-холл».
17.10 «Бу ажиб дунё».
*
Россия жамоат телевидениеси
17.25 Олтин серия. Лариса Гузеева ва Никита Михалков «Шафқатсиз романс» фильмида.1 ва 2-сериялар.
20.00 «Время».
20.35 КВН-99.
22.40 «Кинопрофи».
23.05 Якшанба кинозали: «Беозор бола». Бадиий фильм.
01.00 «Таҳлилнома» (рус тилида).
01.30 Тунингиз осуда бўлсин!

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Алимқул СУЛТОНОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Бахтиёр ҲАМИДОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Сиёсат — 133-20-36
Иқтисодиёт — 133-76-04
Маънавият — 133-07-20
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-12-56, 136-55-16
Ахборот — 133-76-04
Котибият — 133-21-43
Факс — 133-47-80, 133-38-55, 133-73-43, 133-06-83

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 222-70-12;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 133-76-04;
Урганчда — 226-51-35;
Фарғонада — 26-46-84;
Қаршида — 3-25-79;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи муҳаррир Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ, навбатчи Шукур ЖАББОРОВ

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи-дастурчи Дилором БЕКМУРОДОВА

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00004
Газета офсет усулида, А—2 форматида, 23.681 нусхада босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ.
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
Г —0353

Босишга топшириш вақти – 21.00.
Топширилди – 22. 45
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

«Малик пахта тозалаш»

очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятининг

умумий йиллик мажлиси 1999 йил 28 май куни соат 12.00 да Сирдарё вилояти Сирдарё туманидаги «Малик» ширкатлар хўжалиги 3-бўлимида «Малик пахта тозалаш» очиқ турдаги ҳиссад